БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 149 (17.431). • 1 июль 1979 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ИЮЛЬ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ



ЗОМИН ДАЛАЛАРИДА

Район пахтакорлари ва галлакорлари айни шу кунларда зўр фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. «Оқ олтин» ижодкорлари республика партия ва ҳукумати Мурожаатига жавобан гўза парваришини кун сайин авж олдираётган бўлсалар, галлакорлар бебаҳо бойликни давлат хазинасига тезроқ топшириш учун курашмоқдалар. Суратларда: 1. Районда ташкил этилган дастлабки «Прогресс-11» совхозининг бригада бошлиғи М. Фозилова. ВЛКСМ XVIII съезди делегати бошлиқ бригадада бу йил мўл ҳосил учун кураш қизитиб юборилган. 2. «1-Зомин» совхози галлакорлари бу йил 20 минг тонна галла топшириш мажбуриятини олишган. Ҳозир 45 комбайн ёрдамида кунига 450—470 тонна галла ўрилмоқда.

Ж. Тўраев фотолари.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 30 июнь куни Кремлда Италия Министрлар Советининг Раиси Ж. Андреотти ва Италия ташқи ишлар министри А. Форлани билан суҳбатлашдилар. Улар Токиодан Римга қайта туриб Москвада бўлишган эди.

Амалий дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Мартинов ва Италия ғазначилик министри Ф. М. Пандольфи иштирок этдилар.

Томонлар Совет—Италия муносабатлари ҳамма соҳаларда яхши ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этдилар ҳамда СССР билан Италия иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, ўрталаридаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги куч-ғайратларни давом эттиришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Италия раҳбарлари Л. И. Брежнев билан Ж. Картер ўртасида Венада ўтказилган учрашув якунларини табрикладилар, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги янги Совет—Америка шартномасига юксак баҳо бердилар.

Томонлар сиёсий ҳамкорлик соҳасига, мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар практикасига биринчи даражали аҳамият бериб, СССР билан Италиянинг куч-ғайратларини кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш ва тинчлик фойдасини кўзлаб имкони борича кенгроқ қўшиб олиб бориш ниятида эканликларини билдирдилар.

СССР билан Италия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик анча ўсганлигини ҳар икки томон қайд этиб ўтди. Ана шу ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида узоқ муддатли асосда янги битимлар ишлаб чиқишга доир музокаралар давом эттирилади.

(ТАСС).

БОШҚАРУВ АППАРАТИ ИХЧАМ ВА ИШЧАН БЎЛСИН

СССР Янги Конституциясининг ва шу асосда Ўзбекистон ССР Конституциясининг қабул қилиниши ҳаётимизнинг барча соҳасида демократик асосларни кенгайтирди. Коммунистик жамият қуриш учун курашда давлат аппаратининг роли ва масъулиятини оширди. Айниқса бошқариш аппарати турли бўғинларининг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб бериш юзасидан жуда катта амалий иш қилинди. Бу эса маҳаллий ҳокимият органлари, министрликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ходимлари зиммасига ленинча иш услубини қатъият билан ўрганишни, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор режаларни огишмай, аниқ ва пухта, тез ва соз амалга оширш вазифасини юклайди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин давлат аппарати фаолиятининг иш услуби ва унга қўйиладиган талаблар қандай бўлишини белгилаб, «Совет маъмуриятининг машинаси пухта, аниқ, тез ишлаши керак» деб ёзган эди.

Бу ленинча талаб фақат ташкилотчилик ва ишчанлик мақсадларинигина кўзлаб қолмай, шу билан бирга маънавий-сиёсий мазмун билан ҳам суғорилган.

Социалистик жамиятимизда бошқариш аппаратининг халқ ва давлат манфаатларидан бошқа бирор мақсади йўқ. Унинг бутун фаолияти экономиканн юксалтиришга, фан ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган. Буларнинг ҳаммаси халқ моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтириш вазифасига бўйсундирилгандир.

Владимир Ильич Ленин бошқарув аппарати ўз олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиши учун у ихчам, ишчан бўлиши зарурлигини таъкидлаб: «...фақат аппаратимизни максимал тозалаш, аппаратда жуда ҳам зарур бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасини максимал суратда қисқартириш билангина, шак-шубҳасиз, биз ўзимизни сақлаб қола оламиз» деб ёзган эди. Биноборн, бошқарув аппаратининг ишчан бўлишини, оператив ишлашини таъминлаш ленинча иш услубининг мезонидир.

Бироқ, айрим идораларнинг раҳбарлари бу муҳим талабни унутиб қўймоқдалар. Бошқарув аппарати олдида турган вазифаларнинг улканлигини пеш қилиб, штатларни кенгайтириб юбормоқдалар. Бу эса бошқарув аппарати учун сарфланадиган ҳаражатларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келмоқда.

Масалан, «Узглавводстрой» бош бошқармасида бошқариш системасини соддалаштириш ва бошқарув аппаратини сақлаш учун кетадиган ҳаражатларни камайтириш тўғрисидаги партия ва ҳукумат кўрсатмалари қониқарли бажарилмаётир. Аксинча, бу ерда бошқариш аппаратида ишлайдиган ходимлар салмоғи бир йил ичида 19.5 процентдан 21 процентга кўтарилган. Бунинг оқибатида давлатнинг юз минглаб сўм маблағи ортиқча сарфлаб юборилган. Бош бошқармага қарашли 41 корхона ва ташкилотда салкам бир ярим йил ичида штатга қўшимча равишда қабул қилинган ходимлар учунгина 300 минг сўмдан ортиқ маош тўланган.

Айрим ташкилотларда бошқарув аппаратларини кенгайтиришга шу қадар берилиб кетганларки, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган мутахассислар ўрнига ҳам раҳбар «кадрлар»ни ишга қабул қилаверганлар. «Сирдарьяирсстрой» трестига қарашли Гулистон механизациялашган кўчма колоннасида худди шундай бўлган. Бу ерда ҳар икки ишчига бир идора ходими тўғри келади. Бу бюрократизмнинг янги кўринишидан бошқа нарса эмас. Хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда халқ оммасига, унинг активлигига таянш кабн ленинча иш услубининг муҳим талаби унутиб қўйилган жойда худди ана шундай фактларнинг содир бўлиши табиийдир.

Айрим ташкилотларда ходимларни бўлар-бўлмасга командировкага юбораверниш, бир масала юзасидан жойларга бир неча ходимларни командировка қилиш ҳоллари юз бермоқда. Бунинг оқибатида командировкалар учун сметада кўзда тутилганидан ортиқча маблағ сарфланиб, бошқарув аппаратини сақлаш учун кетадиган харажатларнинг кўпайиб кетишига олиб келмоқда.

Маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқи берилган партия ташкилотлари бошқарув аппарати харажатларини камайтиришга, уни такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Бу соҳада жуда катта имкониятлар бор. Аввало бошқарув аппаратини сақлашдаги хўжасизлик фактларига хотима бериш лозим. Баъзи идораларда, ташкилотларда почта-телеграф эҳтиёжлари учун, телефон орқали гаплашиш, транспорт хизматлари учун белгиланганидан ортиқча маблағ сарфлаб юборилмоқда. Партия ташкилотлари ва халқ контроли группалари ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари, штат-смета интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўрмок лозим.

Давлат бошқарув органларида ленинча иш услубини изчиллик билан жорий этиш бошқариш системасини такомиллаштириш ва ихчамлаштиришнинг, ортиқча штатларни ва харажатларни қисқартиришнинг бош омилидир. Бошқариш аппаратини ҳаддан ташқари кенгайтириш ўрнига ҳар бир ходимнинг ўз хизмат бурчини ўташдаги, қарорлар ижросини ташкил этишдаги масъулиятини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш зарур. Бу ишни ходимларнинг иш вақтини қадрлаш, мажлисбозлик, қоғозбозлик, жойларга даста-даста кўрсатмалар, инструкциялар, буйруқлар юбориш, ходимларни статистик маълумотлар тўплаш билан банд қилиб қўйиш каби бюрократизм кўринишларига хотима беришдан бошламоқ керак. Шундагина бошқарув аппаратининг ихчам, ишчан бўлиши таъминланади. Ходимларнинг иш вақти қадрига етиш, йиғилишлар, мажлисларнинг қисқа, ишчанлик билан ўтишини таъминлаш керак.

Бошқарув аппаратини ихчамлаштириш ва ишчанлигини оширишда ҳар бир ходимнинг вазифасини конкрет белгилаб бериш ва талабчанликни ошириш, иш юритишни пухта ташкил этиш каби бошқарув аппарати иши самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан кенг фойдаланмоқ керак.

Жамиятимизда давлат бошқариш системасига Коммунистик партия раҳбарлик қилади. Партиямиз бутун давлат аппарати қучини уларнинг олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтириб, бошқаришнинг демократик асосларини ривожлантирмокда ва кадрларни тарбиялаш борасида жуда катта амалий иш олиб бормоқда. Бу эса бошқарув аппарати фаолиятини янада такомиллаштиришнинг, ленинча иш услубини мустаҳкам қарор топтиришнинг ишончли гаровидир, давлат органлари меҳнаткашлар оммасига янада яқинлашувининг гарантиясидир.

◆ Июль ойида ғўзаларни озиқлантириш билан бир вақтда икки марта суғориш ва тўрт марта культивация қилиш керак... Суғориш сифати қаттиқ кузатиб борилсин. Бутун далада тупроқнинг бир текис намланишига эришмоқ учун ўқариқли калта-калта жўякларда группа усулида суғориш лозим. Бу — тупроқнинг бир вақтда етилишини ва культиваторлар учун доимий иш фронтини таъминлайди.

◆ Социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида районлар ўртасида 1 июлдан 10 июлгача, областлар ўртасида 20 июлдан 1 августгача ўзаро текширишлар ўтказишни тавсия этамиз. Ана шу даврда ҳосил учун кураш айниқса авжига чиқади, бинобарин мусобақадошларнинг ўзаро контроль қилиши, илғорлар тажрибасини ва деҳқонларнинг донишмандлигини ўртоқлашиш ниҳоятда фойдали бўлади.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ЗАРБДОР МЕҲНАТ— МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ГАРОВИ

✦ СИРДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА РЕЖАЛАРИ

✦ ГЎЗА ПАРВАРИШИНИ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ МУРОЖААТИГА АСОСАН ОЛИБ БОРАМИЗ

✦ ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛАДИ

ГУЛИСТОН, 30 июнь. (ЎзТАГ). Сирдарё областининг пахтакорлари бу йил ўз зиммаларига катта ва фахрли мажбуриятларни олдилар. Улар чигитни барвақт экиб олиш учун кўп куч-ғайрат сарф қилдилар. Аммо кўклам фаслининг анча узоқ давом этиши деҳқонларнинг ҳамма режаларига халақит берди, қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирди. Далаларнинг талайгина қисмида ғўзанинг ривожи кечикди. Буларнинг ҳаммаси ташвиш туғдирди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ходимларининг бу ерда ўтказилган кенгаши қатнашчилари далаларда ишлар қандай бораётганлигини батафсил анализ қилдилар, ҳозирги пайтда мўл ҳосил тўплаш учун қандай чораларни кўриш. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатида баён этилган маслаҳат ва тавсияларни яхши бажариш учун қандай чораларни кўриш лозим эканлиги тўғрисида жонкуярлик билан гапирдилар.

Докладчи — Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, шунингдек Ильич район партия комитетининг биринчи секретари С. Ю. Отахонов, Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари М. К. Каримов, Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг директори С. Сиддиқов, Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Ж. Кўчиев, Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Д. Тожиқулов, Ворошилов районидаги Қуйбишев номли колхоз маккажўхоригорлар бригадасининг бошлиғи Д. Ийлдошев, Ховос районидаги Дзержинский номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи М. Дадахонова, Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Н. Ғаффоров, «Главсредазирсовхозстрой» бошлигининг ўринбосари А. Т. Тоиров деҳқонларнинг ўз зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан бажаришга астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, қўриқ ердаги «Фарғона» совхози ва Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозининг меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан областда ғўза парваришини авж олдириш учун 100 зарбдор кун эълон қилинди. Бу хўжаликларда барча кучлар ва техника ресурслари ғўза парваришини кучайтириш учун сафарбар қилинди, ғўзани суғориш соҳасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда, культивация ишлари ҳамма воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда, ғўзани минерал озиқлантириш муддатидан илгари тугалланди, органик ўғитлардан яхши фойдаланилмоқда. Бу тажрибани областда кенг ёйиш керак. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, барча пахтакорларнинг куч-ғайратини ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатишга сафарбар қилиш лозим. Асосий вазифа шундан иборатки, мавжуд барча ресурсларни ишга солиш, пахта майдонларида зўр ғайрат билан иш олиб бориш, техникадан, ўғитлардан, сувдан самарали фойдаланиш, ҳосилнинг тақдири учун ҳар бир меҳнаткашнинг масъулиятини ошириш керак.

Кенгаш қатнашчилари қатъий ишонч билан қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: Мирзачўл қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан беш йилликнинг тўртинчи йилида Ватанга Сирдарё областининг камида 400 минг тонна пахтасини топшириш юзасидан олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар. Шу билан бирга пахта териш техникасини тахт қилиб қўйиш, шунингдек, пахта териш машиналари экипажлари икки сменада ишлаши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Узоқ Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXIII мажлисида Эфиопия делегациясига бошчилик қилган социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши доимий комитетининг аъзоси Эндале Тиосемуни 29 июнь куни Кремлда қабул қилди.

Ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат давомида Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги муносабатлар 1978 йил ноябрда имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этиб ўтилди. Ҳар иккала томон эришилган аҳдлашувларга мувофиқ турли соҳаларда Совет—Эфиопия алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек халқаро проблемаларни халқлар тинчлиги ва тараққиёти, озодлиги ва мустақиллиги манфаатларини кўзлаб ҳал этишда яқиндан ҳамкорлик қилиш кераклигини айтди.

(ТАСС).

МИНИСТР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Америка юристлари уюшмасининг делегациясига бош бўлиб Совет Иттифоқига келган АҚШ юстиция министри Г. Беллни 29 июнь куни Кремлда қабул қилди.

Венада олий даражада бўлиб ўтган учрашув ва унда эришилган аҳдномаларнинг натижалари муносабати билан СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабат масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

(ТАСС).

ЮК КЕМАСИ ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1979 йил 30 июнь куни Москва вақти билан соат 14 дан 18 минут ўтганда юк ташувчи «Прогресс-7» автомат транспорт кемаси учувчи бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-34» орбитал компленси билан туташтирилди.

Юк кемаси «Салют-6» станциясининг бирлашган мотор установкаси учун орбитага ёнилги экипажининг ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш учун асбоб-ускуналар, аппаратлар, материаллар, шунингдек почта олиб чиқди.

Телеметрия ахбороти маълумотларига ва экипажнинг донладларига кўра, «Салют-6» станциясининг, «Союз-34» кемасининг ва юк ташувчи «Прогресс-7» кемасининг ички системалари нормал ишламоқда.

Космонавтлар Владимир Ляхов ва Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

КОММУНИСТИК ТАРБИЯНИНГ БАРЧА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ҚАРШИ, 30 июнь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг пленумида бугун область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми шу масала юзасидан қабул қилган қарордан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибов бу ҳақда доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар қайд этиб ўтишганидек, Қашқадарё меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб область партия ташкилоти раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятларни кўпайтирмоқдалар. Қарши даштининг қўриқ ерлари комплекс ўзлаштирилмоқда, саноат объектларида янги қувватлар ишга туширилмоқда, халқ фаровонлиги юксалмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасида меҳнат коллективларидаги сиёсий-тарбиявий ишларнинг натижалари яққол кўриниб турибди. «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмасининг 13-қурилиш трестининг, Муборак газни қайта ишлаш заводининг, Нишон районидаги Карл Маркс номли совхозининг, Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхозининг партия комитетлари бу ишда талайгина тажриба тўплашган.

Шу билан бирга пленумда уқтириб ўтилдики, областнинг баъзи бир партия ташкилотларида идеологик, ғоявий-тарбиявий ишларнинг савияси қўйилаётган талабларга ҳали мос келмаяпти. Пропаганда ва агитацияни йўлга қўйишда расмиятчиликка батамом барҳам берилмаган. оммани беш йиллик топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш учун идеологиянинг ишининг жуда бой воситаларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Нотиқлар шу тўғрида гапириб, ҳозирги вақтда партия ташкилотларининг бутун фаолиятини КПСС Марказий Комитети қарорининг талаблари билан бирга қўшиб олиб бориш асосий вазифа эканлигини таъкидладилар. Ёшлар ўртасида ва истиқомат жойларида маданий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, қишлоқда турмуш маданиятини ошириш борасида амалий таклифлар киритилди.

Пленум қатнашчилари партия ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаатидан келиб чиқадиган вазифаларини атрофлича муҳокама этдилар. Область партия комитетининг иккинчи секретари И. И. Головачев шу масала юзасидан доклад қилди.

Мурожаатда баён этилган маслаҳатлар ва тавсияларни амалга ошириш борасида шошилинч чоралар кўриш зарурлиги пленумда таъкидлаб ўтилди. Бу йил Қашқадарё области меҳнаткашлари олдида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш соҳасида катта-катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни амалга ошириш оби-ҳаво шароитларининг ноқулай келганлиги сабабли мураккаблашди. Кўпгина участкаларда ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда. Бир қанча хўжаликларда ҳосил тўплаш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мана шу масъулиятли паллада партия ва совет органлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари барча резервларни ишга туширишлари, ғўза парваришида таъсирчан мусобақани уюштиришлари, план ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминламоқ учун илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланишлари, мавжуд камчиликларни оператив суратда бартараф этишлари шарт.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

НОМЕРГА ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ҚОЛОҚЛИК ДОҒИНИ ҚАЧОН ЮВАСИЗ?

Норин районида ўтган йили пахта плани бажарилмади. Давлатдан қарздор бўлиб қолинди. Бу йилги аҳвол қандай? Қолоқлик доғини ювиш учун нималар қилиняпти?

Район пахтакорларининг бу йилги ваъдаси катта. Улар она-Ватанга 43 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олганлар. Пешқадам хўжаликларда мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Лекин баъзи хўжаликларда ғўза парвариши шу куннинг талабига жавоб бермайди. Карл Маркс номли, «СССР 50 йиллиги», «Пахтакор» колхозларидаги ташвишли аҳвол бури яққол кўрсатиб турибди. Карл Маркс номли колхозда (раиси Ғ. Дадабоев) ғўза парвариши республика партия-хукуматининг Мурожаати асосида уюштирилмаган. Культивация, суғориш, озиқлантириш ишларининг сифати паст. А. Аҳмедов, А. Охунов, Ҳ. Парпиев бошлиқ бригадаларда Мурожаат юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Ваҳолонки, бир неча гектар ердаги экин ўгитланмаган, бегона ўтдан тозаланмаган, суғорилмаган ҳолда ётибди.

Бригада бошлиқлари ана шу қолоқликнинг олдини олиш учун конкрет чоралар кўрмаётирлар. Колхозда 100 гектардан ортиқ ана шундай қолоқ ғўзалар бор. Худди шундай ночор аҳволни «СССР 50 йиллиги», «Пахтакор» колхозларида ҳам учратиш мумкин. Хўжалик раҳбарларининг бегамлигидан меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Сувчилар, механизаторларнинг иши мунтазам назорат қилинмайди. Натижада бир картада ғўза кўлатиб суғорилса, иккинчи пайкал чанкатиб қўйилган, талай ерни ўргимчаккана, шира босган. Кадрларга нисбатан талабчанликнинг бўшлиги, топширилган иш учун масъулиятни ҳис этмаслик, бегамлик ва ўзибўларчилик оқибатида ана шундай ачинарли аҳвол юз бермоқда.

Район партия, совет ташкилотлари қолоқлик доғини ювиш учун бутун куч ва техника воситаларини ғўза парваришига сафарбар этишлари, дала ишларида юксак сифат ҳамда самарадорликка эришмоқлари керак. Бунинг учун районда барча имконият ва резервлар бор.

Т. НАЗИРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУГУН—СССР ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

АМУ ЖИЛОВДОРЛАРИ

Ортига учта катта баржани тиркаб олган «Самохвалов» теплоходи оқимнинг тескари томонига сузишга шайланяпти. Буксирнинг билакдек йўғон сим арқони таранглашгандан-таранглашади. Баржалар теплоход ортига турна қатор тизила бошлайди. Шу кунларда ўжар Жайҳуннинг энг тошган, кутирган пайти. Гирдоблар кетидан-гирдоблар ҳосил қилиб келаётган қизғиш-малларанг сув тўлқинлари кирғоқларни ювиб, соҳилларни йиқитиб, наъра тортиб олдинга интилади. Шовуллаб кўпираётган гирдоблар ҳасчўплар ва сув юзасида қалқиб келаётган барча нарсаларни «ямлаб-ютиб», бир зумда кўздан ғойиб қилиб юборади...

Дарға Қўчқорбек Олтибоев дурбиндан узоқ-узоқларга тикилгач, олға юришга даъват этувчи команда берди. Кема қаттиқ тебраниб, суза кетди. Гўё у дарёнинг кўксини икки бўлакка ёриб, «оғзидан» оқ кўпиклар сочратиб бораётган баҳайбат жондорга ўхшаб кетади. СССР Денгиз флоти министрлигининг фахрий ходими, Хурмат Белгиси ордени кавалери, бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби, капитан Қўчқорбек Олтибоев раҳбарлик қилаётган «Самохвалов» кемаси коллективи зиммага олинган барча мажбуриятларни ҳамиша ошириб бажараётганлиги, бошқаларга карвонбоши бўлиб ўрнак кўрсатаётганлиги учун Термиз дарё портидаги каттадан-кичик уларни ҳурмат билан тилга олади. Шунинг учун ҳам қўшни ва дўст Афғонистон Демократик Республикасига мўлжалланган энг муҳим ва масъулиятли юкларни манзилга ўз вақтида етказиб бериш шу илғор экипаж зиммасига юклатилган. Беш йилликнинг ўтган уч йили топшириғини 125 процент, 1979 йилнинг олти ойи юк ташиш планини эса 130 процентдан ошириб уддалаган кема коллективи ўз муваффақиятларини мустаҳкамлашга интилмоқда.

...Ўрта Осиёнинг йирик сув манбаи — Амударёни ҳақли равишда дўстлик дарёси, деб аташади. Кемалар қатнайдиган бу сув артериясидан Ўзбекистон, Туркманистон ва Орол денгизи орқали Қозоғистонга ҳамда Россия Федерациясининг саноат марказларига зарур бўлган халқ хўжалик юклари ўз вақтида етказиб беріляпти. Ўрта Осиё республикаларига эса машиналар, минерал, ўғитлар, янги қурилишлар учун ускуналар, чўлқуварларга зарур механизмлар етказиб берилади. Бу ердан пахта, ёғ, қуруқ ва ҳўл мевалар, бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик ҳамда саноат маҳсулотлари белгиланган манзилларга олиб кетилади.

Термиз дарё порти — республикамизнинг жанубий дарвозаси. Дарҳақиқат шундай. Термиз дарё порти мамлакатимиздаги қўшни ва дўст Афғонистон Демократик Республикаси ҳамда бошқа хорижий давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётган энг йирик дарё портларидан бири ҳисобланади.

Дарёчилар ўз байрамларини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётганлари, айниқса, қувончлидир. Улар ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йилини улкан муваффақиятлар билан якунладилар: уч йиллик топшириқ муддатидан қарийб уч ой олдин, 1978 йилнинг 12 октябрида ошириб адо этилди. 1978 йил якуни бўйича дарё порти коллективи Сурхондарё область партия комитети, область ижроия комитети, облсовпроф ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Шунингдек, дарёчиларнинг ўтган йил тўртинчи чорагида қўлга киритган ютуқлари СССР Денгиз флоти министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзлари Марказий Комитети томонидан алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Ленин ордени кавалери Жумақул Бозоров, моҳир дарғалардан Сафарбой Давлатов, Чори Гелдиев, Владимир Суремея, Александр Захолодиловлар капитанлик қилаётган «Брест», «Шайдаков» ва «Владивосток» теплоходларининг экипажлари ўтган йили юк ташиш, ортиш ва тушириш планларини 125—130 процент қилиб бажардилар.

Дарёчилар ўнинчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилини ҳам муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун йил бошидаёқ социалистик мусобақани авж олдириб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Юкларни қайта ишлаш, ортиш ва тушириш бўйича шу йилнинг 5 ойига белгиланган топшириқ 120,2 процент адо этилди. Шу жумладан, май ойи плани 154,1 процент уддаланди. Юкларни янги прогрессив усул — контейнер ва пакет усулида ташиш графиклари икки баравар ошириб бажарилди. «Астрахан», «Владивосток», «Шайдаков» теплоходларининг коллективлари шу йилнинг беш ойи юк ташиш топшириқларини 150—200 процентга етказиб адо этдилар.

Александр Гришченко, Чори Ҳайдаров, Саид Назаров, Василий Цимбал ўртоқлар бошлиқ механизациялашган докерлар бригадаларининг аъзолари юкларни қайта ишлаш, ортиш ва тушириш бўйича белгиланган беш ойлик плани 120—144 процент адо этдилар. Юк ортувчи механизаторлардан Ражаб Пирлиев, Амирбек Муллаев, Виктор Гайдаев, Юрий Ажимов, Борис Казин каби илғор ишчилар шу йилнинг ўтган беш ойида олти ойлик планни бажардилар.

Кемалар ремонти устахонаси коллективи ҳам 5 ойлик капитал ва жорий ремонт топшириғини 125,7 процент қилиб уддалади. Александр Ревенко ва Сафарбой Отабоевлар бошлиқ пешқадам бригадаларнинг ремонтчилари эса олти ойлик планни 130 процентдан ошириб бажардилар.

Аму жиловдорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планларини муддатидан уч ой олдин — СССР янги Конституциясининг икки йиллиги нишонланадиган кунгача ошириб бажариш учун ўз устларига юксак мажбуриятлар, вазифалар олиб, фидокорона меҳнат қиляптилар. Барча теплоходлар экипажларининг аъзолари ўртасида дўстлик ва ўртоқлик ҳукмрон. Улар қолоқларга ёрдам берадилар, илғорлар тажрибаларини қунт билан ўрганадилар. Одамларнинг ҳаммаси ўз сиёсий билими ва малакасини ошириш устида қунт билан меҳнат қиляпти. Ёшларнинг деярли ҳаммаси сиртдан ўқиб, ўз маълумотини оширмоқда.

Термиз дарё портида 40-50 йил дарғалик қилиб, катта тажриба тўплаган меҳнат ветеранлари кўп. Улар жумласига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қора Ҳатамов, 50 йил капитанлик қилиб, сўнгра пенсияга чиққан, ҳозир эса шкипер бўлиб ишлаётган Петр Степанович Ряслов, Амударё кемачилиги ташкил бўлгандан бери ишлаб келиб, ҳозир кексалик гаштини сураётган революция ва меҳнат ветеранларидан Холдор Ражабов, Николай Сидорович Глушенко, Борис Гурьевич Лошманов, Николай Тимофеевич Елагин ва бошқалар киради.

Дарё порти партия ташкилоти қошида ишлаётган «Кемаларни бошқариш мактаби»да катта тажрибага эга бўлган ана шу дарғаларнинг меҳнат фаолияти, иш тажрибалари қунт ва изчиллик билан ўрганиляпти. Сувда балиқдек сузиш сирларини ўрганаётган ёшлар оталари изидан бориб, юксак меҳнат чўққиларини забт этяптилар. Бу хайрли ишларингизда оқ йўл тилаймиз, сизларга азамат Аму жиловдорлари!

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ЧЎЛҚУВАРЛАР МАРРАСИ

Ерга ер қўшилса давлат, дейдилар. Чўлқуварлар асрий уйқуда ётган бўз ва қўриқ ерларни тез суръатлар билан ўзлаштириб, деҳқончилик оборотига киритмоқдалар. Бунга бошқалар муносиб ҳисса қўшяптилар. «Иржарсовхозстрой» трестининг 17-механизациялашган колоннаси азаматлари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, уч ярим йил мобайнида беш йиллик план ҳажмида қурилиш-монтаж ишларини адо этдилар. Чўлқуварлар 15 миллион 722 минг сўмлик иш бажариб қўйдилар. Беш йилликнинг қолган даврида яна тўрт миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

ЎТМИШДОШИДАН АФЗАЛ

«Р-260-5» машинаси техникавий ва иқтисодий жиҳатдан катта афзалликларга эга. Бундай машиналарнинг дастлабки туркуми «Узбектекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланди. У йўғон ипларни йигиришга мўлжалланган бўлиб, ўтмишдошидан 30 процент унумли ва фойдаланишга қулай. Мокилари кп йўғонлигига қараб катталаштирилганлиги тўқувчиларга уни бошқаришда анча қулайлик туғдиради.

Машинанинг кўриниши чиройли. Бу йил шундай тўқимачилик ускуналаридан 200 таси тайёрланади ва Москва области ҳамда Олмаота тўқимачилик корхоналарига юборилади.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Қўқон пайпоқ тўқув ва ип йигирув комбинатида тўққиз нафар ишчи ўн йиллик маррасини эгаллаб қўйди. Улар орасида Ш. Девятов, А. Муҳаммадиев, В. Спирин каби новаторлар бор.

План ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида социалистик мусобақа яхши самаралар беряпти. Ускуналарга хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш туфайли рекорд натижалар қўлга киритилмоқда. Қўқонликлар ҳозирнинг ўзидаёқ мажбурият ҳисобига 280 минг жуфт болалар пайпоғи тайёрлаб бердилар. Корхона ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида болалар пайпоқлари, колготкалар тайёрлаш 45 процентини ташкил этяпти. Уларнинг қарийб ярми давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

Боғдорчиликни саноат усулига кўчириш дастурхонимиз кўркига-кўрк қўшмоқда — мева ва сабзавот консервалари ҳажмини кўпайтириш имконини бермоқда. Бундай маҳсулотлар тайёрлашни тағин ҳам кўпайтириш ниятида Янгиқўрғон ва Наманган районлари мевачилик, сабзавотчилик хўжаликлари базасида иккита завод барпо қилинди.

Бу заводларнинг ҳар бири йилига 5 миллион банка мева шарбатлари қиём, мураббо каби маҳсулотлар тайёрлаб чиқара олади. Ўзбекистон кооператорлари мева ҳамда сабзавот консервалари тайёрлаш ҳажмини 50 миллион банкага етказиш учун зарур тажрибаларни амалга оширмоқдалар. Шу мақсадда маҳсулотлар сақлашга ихтисослаштирилган омборхоналар барпо этиляпти.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Жалолқудуқ районининг Тешиктош қишлоғида янги насос станцияси қурилиши бошланди. Объектни «Андижанирстрой» трестининг кўчма механизация колоннаси аъзолари барпо этишяпти. Бу йил станциянинг биринчи навбати ишга туширилади. Суратда: илғор слесарь монтажчилар Н. Самарканов ва В. Сидяков.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Кеча редакциямиз текшириш ва чора кўриш учун тегишли ташкилотларга юборилган хатлар юзасидан ўн иккита жавоб олди. Қуйида ана шу жавоблардан айримларининг мазмуни билан танишасиз.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: Б. Аҳмедов ва бошқаларнинг Қўшработ районидаги 54-ўрта мактаб директори Т. Усмоновнинг хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётгани, мактаб ишидаги камчиликлар ҳақидаги коллектив аризаси текширилди.

Текширишда ҳақиқатан ҳам мактабда директор томонидан ўқув-тарбия ишлари устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги, коллектив ўртасида носоғлом муҳит вужудга келгани каби фактлар аниқланди. Қўшработ район партия комитети бюроси Т. Усмоновга виговор эълон қилди. Мактаб директори бошқа мактабга ишга ўтказилди.

Текшириш натижаси ва Қўшработ район партия комитети бюросининг қарори 54-мактаб коммунистлари ва ўқитувчилари ўртасида кўриб чиқилди.

РИШТОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: П. Эшонов хатида кўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам айрим хўжалик раҳбарлари ва маҳалла активлари ободончилик ишларига етарли эътибор бермаётирлар.

1979 йилда райондаги ҳамма совхозларда кооператив уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилди. Барча колхоз ва совхозларнинг марказий посёлкалари ободонлаштирилмоқда ва кўчаларга асфальт ётқизилмоқда.

ОҲАНГАРОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: О. Мирзаахмедованинг Бирлик қишлоқ Советининг Ўргаз аҳоли пунктида маданий-маиший хизматни яхшилаш ҳақидаги хати юзасидан текшириш ўтказилди. Хатда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. 1976-1978 йилларда капитал ремонтдан чиқарилган Ўргаз аҳоли пунктига ўтадиган йўл сел ва кучли ёмғир натижасида бироз шикастланганди. Йўл «Олмалиқ» совхози ва йўл ремонти қурилиши бошқармаси томонидан ремонт қилинади.

39-саккиз йиллик мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Қўшимча синф хоналари қурилиши тугаллангандан сўнг, яъни 1980 йилдан бошлаб ўқитишнинг кабинет системасига тўла ўтилади.

«Олмалиқ» совхози маъмурияти қишлоқни электр энергияси билан таъминлаш устидан назорат олиб бориш мақсадида қўшимча штат ажратди. Медицина пункти қурилиши 1979 йил планига киритилган.

Район Совети ижроия комитети Бирлик қишлоқ Совети ва «Олмалиқ» совхози дирекцияси билан биргаликда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ва мавжуд камчиликларни тугатиш учун барча имкониятларни ишга солади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ТАРИХИДАН

ЎЧМАС САҲИФАЛАР

Буюк устоз В. И. Ленин касаба союзларини «коммунизм мактаби» деб таърифлаган эди. Бу чинакам оммавий ташкилотнинг келиб чиқиши капитал билан меҳнат ўртасидаги кураш натижасидир. Дастлабки кезларда касаба союзлари бир оз тарқоқ бўлиб, заиф ҳаракат қилган бўлсалар-да, буржуа ҳукуматларининг касаба союзларига қаттиқ ҳужумлари натижасида 1861 йилда зўр сиёсий аҳамиятга молик ташкилотга айланди. 1863 йилда Германияда уюштирилган бу ташкилот у ерда немис социал-демократлар партиясининг уюшишида энг муҳим омиллардан бири бўлди.

Собиқ Туркистонда касаба союзлари XIX асрнинг иккинчи ярмида дастлаб рус ишчилари орасида ташкил топди. Унинг ташкилотчиларидан бири кекса марксчи Михаил Васильевич Морозов бўлган. У В. И. Ленин билан ишлаган, Туркистонда революцион ишларни бошлаб юборган. Морозов XX аср бошларида рус тилида чиққан «Самарқанд» газетасининг ҳамда «Русский Туркестан» газетасининг редактори бўлди. У РСДРП аъзоси бўлиб, социал-демократлар билан бирга ишлаган. XX аср бошида Тошкент матбаа ходимлари ичидаги махфий ҳаракатлар раҳбари ҳам шу В. М. Морозовдир.

Сўнгги йилларда топилган материалларга кўра ўзбекларда касб ва ҳунар 210 тадан иборат бўлган.

Тарихий фактларнинг гувоҳлик беришича, Октябрнинг илк кунларида Туркистон аҳолисининг 20 проценти саноат ишлаб чиқаришида банд бўлиб, касаба союз аъзолари 8 процентни ташкил этган.

Октябрь революциясидан сўнг касаба союзлар ўсиб, 257 тага етди. 1919 йилнинг 2 майида касаба союзларининг биринчи қурултойида дашнақлар (арман миллатчилари), партиясизлар, сўл эсерларни қурултойга киритмасликка қарор қилинди. Шундай бўлди ҳам. Шуни айтиш керакки, қурултой ўша йилнинг апрелида Москвада бўлиб ўтган Бутунроссия касаба союзларининг биринчи қурултойи қароридан унумли фойдаланди. ташкилот ишлари ҳам шу даврдан эътиборан яхши йўлга қўйила бошланди. Союзлар ичида ўша пайтда, айниқса, «Қўшчилар союзи» катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки чоракорлар, мардикорлар, батраклар, деҳқон, боғбон, боғдор ва резаворлар ҳам шу союзга бирлашган эдилар. Союз мулкдорлар, бойлар, манапларнинг ерларини ерсизларга бўлиб берди, йўқсил деҳқонлар учун турли ширкатлар, артеллар тузишда, уларни ҳар хил солиқлардан озод қилишда ҳам муҳим роль ўйнади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, касаба союзларининг ташкилий даврларида кўп оғир ҳолларга дуч келинди. Чунончи, эски ҳукумат маъмурлари ва бойларни касаба союзларидан чиқариб ташлаш, ишчилар, камбағал деҳқонларни союзга тортиш учун моддий имконият йўқлиги, кадрларнинг озлиги, озиқ-овқат, айниқса ғалла етишмаслиги, транспорт қийинчилиги, босмачилар ҳаракати, йўл ёпилиб, марказдан мадад олишнинг мураккаблиги, миллатчилик ва шовинизм, хўжалик тўла йўлга қўйилмаганлиги каби ҳоллар касаба союзлари ишларининг тараққий этишига катта тўсиқ бўлиб турарди. Бундан ташқари, касаба союзлари олдида Ғарб империализмининг қўпорувчилик ишларига қарши кураш, Туркистон махфий ҳарбий ташкилотини (ТҲТ) тор-мор қилиш, оқлар, меньшевиклар, эсерлар ҳаракатига қарши зарба бериш сингари ва бошқа ғоят мураккаб вазифалар ҳам турарди.

Касаба союз аъзолари юқорида айтилган камчиликларни партиямиз раҳбарлигида тезгина тузата бошладилар. Шу даврларда ёш Совет мамлакатининг ички ва ташқи душманларига қарши курашларда, Қизил аскарлар сафини тўлдириб, мустаҳкамлашда, хўжалик ишларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда турли-туман контрреволюцион кучларни тор-мор этишда касаба союзларининг роли катта бўлди. Бундан ташқари, ишчилар кучини ҳисобга олиб, уларни уюштириш, маориф, маданият, оқартув масалаларини социалистик асосда қайта тузиш, маҳаллий ишчи-деҳқон ва чоракорларни ташкилот ишларига жалб қилишни кенг йўлга қўйишдек жуда муҳим масалаларни ҳал қилишда касаба союз ташкилотлари жиддий ишлар қилдилар.

Революциядан кейинги йилларда касаба союз ташкилотларининг революцион-партиявий вазифаси, айниқса, кучайди. 1918 йил бошида Тошкент эски шаҳар партия ташкилоти йиғилишида партияга кириш учун аввало касаба союз аъзоси бўлиш ёки иккита касаба союз аъзосининг тавсияси бўлиши шарт қилинган эди.

Октябрнинг илк кунларида фақат Тошкентдагина эмас, Туркистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида ҳам турли касаба союзлари уюштирила бошланди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу даврдаги касаба союз номи билан тузилган баъзи бир жамиятларни касаба союзлари қаторига киритиб бўлмайди. Чунончи, «Уламо жамияти». Бу жамият маҳаллий тараққийпарвар ёшларга қарши тузилган бўлиб, сиёсатдан хабарсиз, ўта мутаассиб кишилардан иборат бўлди. Уни чор ҳукуматининг эски маъмурлари, бойлар, йирик савдогарлар ташкил этиб, ишлари исломни рўкач қилиб, зиёли ёшларни халқ олдида дашном қилиш бўлди.

1919 йилда Туркистонда 19828 касаба союз аъзоси бўлиб, улардан 11600 нафари мусулмонлар союзида эдилар. Бу рақам тобора ортиб борди ва икки баравар ошди.

Касаба союзларининг иккинчи қурултойида 183 коммунист, 8 социал-демократ, 106 партиясиз қатнашган.

Тошкент эски шаҳар касабалар Шўроси (Совети) 1918 йилнинг октябрь ойида ташкил этилди. Шундан сўнг эски шаҳарда меҳнат биржаси ва Халқ Хўжалиги Совети уюштирилди. Ижтимоий таъминот комиссарлиги ҳам шу планда ташкил қилинди.

1920 йилнинг 3 июлида Колизейда бўлган қурултойда 257 касаба союзи 17 тагача қисқартирилди. Касаба союзлари халқ хўжалиги ишларини намунали уюштириш, капиталистлар тарафидан бизга бўладиган зарарли ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш, Россия меҳнаткашлари билан бир сафда туриб, жаҳон буржуазиясига қарши кураш, халқаро буржуазия томонидан бўлажак ҳар бир ҳужумга тайёр бўлиб, қуролли кучлар қудратини ошириш, ишчиларни тарбиялаш, издан чиқиб кетган савдо-саноат ишларини яхши йўлга қўйиш каби масалалар қурултойда ўртоқ В. В. Куйбишев томонидан батафсил таҳлил қилиб берилди. Шу тариқа касаба союзлари Советларнинг зўр таянчига айланди.

Биринчи қурултой чоғида Тошкент эски шаҳарида 36 та касаба союзлари ишлаб турарди. Шу қурултойдан эътиборан касаба союзлари фаолияти жонланиб, болалар виставкаси уюштирилди, касалхоналар, тиббия мактаблари, кооперативлар очилиб, халқни озиқ-овқат кийим-кечак билан таъминлаш яхшилана бошлади.

Касаба союзлари Совети фаолиятига Москва вакили Берлин, Ўлка комитети секретари С. Турсунхўжаев, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси М. Бисеров, Туркистон АССР Халқ Комиссарлар Советининг Раиси Любимов, Туркистон ҳарбий Советининг раҳбари Войтик ўртоқлар ҳар тарафлама ёрдам бердилар.

Туркистон касаба союзлари 1920 йил июлида Москвада иш бошлаган III Интернационалнинг II конгрессига табрикнома юбориб, Европа буржуазиясига қарши курашда бир сафда қўлни-қўлга бериб боришга сўз берди ва айни вақтда конгрессдан ғоят қимматли назарий ва амалий йўлланмалар олди.

Туркистон касаба союзларининг иккинчи қурултойида Ҳиндистон революционерларининг вакиллари ҳам қатнашиб, касаба союзларига ёрдам беришни ваъда қилдилар ва айни вақтда ўзлари ҳам Ҳиндистонда Англия ҳукмронлигига қарши бор кучлари билан курашишларини тантанали суратда эълон қилдилар. Бизнинг Ҳиндистон билан самимий дўстлигимиз шу тариқа — Октябрь революциясининг илк кунларидан бошланган эди.

Ўзбекистонда касаба союз ҳаракати шонли тарихининг ўчмас бир саҳифаси ана шундай. Унинг саҳифалари мамлакатимиз, республикамиз тараққиётининг ҳар бир босқичида янги мазмун билан бойиб келди ва шундай бўлаверади.

Лазиз АЗИЗЗОДА.

БЕКАТ НАЗОРАТЧИСИ ЭМИШ...

Фельетон

Мени биласиз-а, ака, унақа-бунақа одамга гапимни бермайдиган йигитларданман. Тошкентдай шаҳри азимда мени билмайдиган киши кам. Владимир Мавраев десангиз, тагида шахсий машинаси гижинглаб турадиган одамларнинг ҳаммаси ҳам танийди. Негаки, уларнинг менсиз, менинг эса уларсиз ишим битмайди. Мана, касби-ҳолимни кўриб турибсиз, қўзиқоринга ўхшаган соябоннинг тагига ўрнашволиб, бекатга келганлардан пул йиғаман, одамларнинг машинасини қоровуллайман. Эвазига ҳиммати зўрлари қирқ-эллик тийиндан, бўлмаса, йигирма-ўттиз тийиндан ташлаб кетаверади. Тома-тома кўл бўлур, деганларидай, кунлик планни бажариб, ортганини туз-насиба қилиб юрибмиз.

Йўқ, ака, мени бекат қоровули экан, деб жуда пастга уравербманг. Пулли бекат дегани сал пачоқроқ бўлиб кўрингани билан унақа-бунақа даромадли ишдан қолишадиган жойи йўқ. Нақ қайнар хумча дейсиз. Кунда бўлмаса ҳам кунора бола-чақанинг ризқига йигирма-йигирма беш сўм тушиб турганидан кейин бу ишни ёмон деб бўладими. Ўзингиз дўппини ерга қўйиб бундоқ ўйлаб кўринг, манаман деган малакали ишчи ёки инженер ҳам кун бўйи заводда ишлаб, бунчалик тушимни кўролмайди. Бизнинг ишни эса қанақалигини ўзингиз кўриб турибсиз, пул дегани ёмғирдай сепалаб турибди. Ё нотўғри гапиряпманми?

Хўш, энди мен сизга айтсам, бизнинг бир Дилавар Мамутов деган ажойиб бошлиғимиз бор. Асли шофёрдан чиққан, ўзи ҳам, сўзи ҳам тилла йигит. Кишиларни ишга қабул қилаётганида олдин олдига битта шарт қўйиб кейин қабул қилади. «Гап бундоқ, оғайни, — дейди у. — бизда ҳам план деган нарса бор. Кунлик планингни кунда бажариб турсанг, олам гулистон. Қолган ишнинг билан ишимиз бўлмайди. Қалай розимисан?»

Бундай шартга бошида бир чимдим ақли бўлган киши рози бўлмай нима ҳам қиларди. Ишлайдиган жойимиз шахсий автомашиналарнинг пулли бекати бўлганидан кейин бир план у ёқда турсин, иккита планни ҳам бажариш биз учун чўт эмас. Шаҳарда нима кўп шахсий енгил машина кўп. Ғиз этиб у ёққа ўтади, ғиз этиб бу ёққа ўтади. Шофёрнинг юмуши чиқиб машинасини, албатта, бекатга қўяди. Бунақалар эса сон мингта. Шундай бўлганидан кейин план билан бирга чой-чақа дегандай... Хуллас, бошлиғимиз қўли остидаги кишиларнинг жиловини сира тортмайдиган ана шунақа ажойиб одам. Гапимга инонмасангиз, бошқа ҳамкасбларимдан сўраб қўя қолинг, тўғри демаса, Владимир отимни бошқа қўяман.

Келинг, баҳслашиб ўтирмайлик-да, яхшиси. Бош универмаг биқинидаги бекатнинг назоратчи-кассири Анвар Хўжаевдан бир оғиз сўрайлик. Мамутовнинг қандай одамлигини ўша кишидан, яхши биладигани идорамизда йўқ. Бошлиғимиз уни ҳам ишга қабул қилаётганида планни бажаришни шарт қилиб, кейин аризасига қўл қўйган эди. Хўжаев унинг ишончини юз фоиз оқлади, ҳозир бинойидек ишлаб юрибди, назоратчи кассирликнинг хўп маромини олган. Яқинда бир юмуш билан Чорсу бозорига бориб, ҳол-аҳвол сўрагани бекатга бирров кириб ўтгандим. «Ишлар қалай,, Анвар ака», деб сўрасам, бош бармоғини мих қилиб кўрсатади. Бир чимдим суҳбати чор қилиб ўтириб ишига бундоқ разм солдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, олғирликда мендан ҳам ўтиб кетибди-я азамат. Мен-ку пул олсам ҳам оралатиб патта йиртардим, у бўлса «ҳар балонинг олди олингани яхши», деб паттасининг аслига ҳам, нусхасига ҳам бошқа-бошқа машиналарнинг номерини тиркайверибди. Бу қанақаси бўлди, десам, қўявер, ҳозир нима кўп — текширувчи кўп, битта-яримтаси келиб қолса, мана патта, бекатга кирган машиналарнинг ҳаммасини ёзиб боряпман, деб қутуламан, дейди. Биламан, кечқурун ишдан кейин пулни ўртага хирмон қилганида паттанинг нусхасини йўқотиб, аслини кассага тўғрилайди. Кўрибсизки, ўртадаги хирмоннинг ярми ўзига-ю, ярми планга бўлиб турибди. Қалай, дуруст ўйлаб топибдими? Қойил-а?

Албатта, Анвар ака Олой бозоридаги бекатнинг назоратчи кассири Юрий Кривоносга ўхшаган бўшанг эмас, нақ заргар дейсиз, унақа-бунақа одамнинг тиши ўтмайдиган қилиб жуда нозик ишлайди. Юрий Кривонос-чи, йигит эмас у, латта. Одам деган ҳам сувга тушган нондай шунақа бўшашадими? Қандай қилиб планини бажариб юрганига ҳайронман. Ишга уқуви йўқ экан, жуда бўлмаса қўшни бекатдаги Людмила Шварцдан ўрганса бўлмайдими.

Сиз Людмилани танийсизми? Йўқ, дейсизми? Наҳотки? Афсус-афсус. Мен сизга айтсам, Людмила Шварц туянинг думини кўрсатмай ютадиган манман деган олғирлардан қолишмайди. Уни оёғидан ўт чақнатиб ишлаётганида бир кўрсангиз эди. Ҳақиқий назоратчи-кассир деб ана ўшани айтса бўлади. Одамлар билан муомалани шундай қийиб ташлайдики, асти қўяверасиз. Унинг ширин сўзини эшитган шофёрлар берган йирик пулининг қайтимини олмай кетганларини ўзлари ҳам билмай қолишади. Людмиланинг бекатда айтгани айтган, дегани деган. Ҳатто баъзан ўрнига еттиёт бегона одамларни қўйиб, ўзи аллақаерларда санқиб юрса ҳам, биров унинг мушугуни «пишт» демайди. Негаки, Мамутов талаб қилганидек плани доим юз фоиз, туз-насибасига ҳам ҳар куни ўнбеш-йигирма сўмлаб чегириб туради. Ҳа, Людмила Шварц деганимиз ана шунақа абжир аёл.

Юрий Кривонос-чи? Уни тилга ҳам олмас эдим-ку, ҳамкасбим бўлганидан, бўшлигига ичим ачиб кетганидан гапираман-да. Эшитишимча, Юрий нима қилаётганмиш денг патталарни сумкасига солиб қўйиб, бекатга келган машина эгаларидан «сендан йигирма тийин, сендан эллик тийин» деб йиғиб юрганмиш. Вой ландавур-ей, шофёрларку майли, оғзингга сиққанича сўрасанг ҳам, бериб кетаверишади, аммо баъзи қитмир болаларга дуч келиб қолса борми, ҳоли нима кечаркин? Шундай ишлайверса, бир кунмас, бир кун оёғидан илиниши турган гап бўлиб қолади-ку. Вироқ бунақа қўпол иши билан бошқаларни ҳам мана, масалан, бошлиғимиз Дилавар Мамутовни ҳам бирга судраб кетса нима бўлади? Ана ундан кейин Мамутовнинг ўрнига бошқа қандай одам келади-ю, у билан қандай қилиб тил топишиб, муомала қилиб кетамиз. Кривонос тушмагур масаланинг мана шу томонини ўйламай ишлаётгани чатоқ-да.

Баъзан Юрий Олой бозорига кираверишдаги дарбонлардан андоза оляптимикан, деган хаёлга ҳам бораман. Бозор дегани катта даргоҳ, кунда минг-минг кишилар савдо-сотиқ қилгани шу ерга келишади. Бозор директори Олим Асқаров тоғни урса талқон қиладиган келбатли икки йигитни дарвозадаги кўндаланг тўсиққа дарбон қилиб қўйибди. Бири Анвар Ботиров, иккинчиси Озод Авазов, навбат билан ишлаб, ойига 72 сўмдан маош олишаркан. Қиладиган иши эса юкли, юксиз машиналарга тўсиқни кўтариб, тушириб йўл очиб беришдан иборатмиш. Бозор дегани, аслида, савдо-сотиқ қиладиган жой дегани, иш билан келган одамлар машинасини бекатга қўйиб, кейин расталарни оралайди, дегани. Анвар билан Озоднинг пойқадами ёқибдими, ҳар ҳолда Олой бозори бозор эмас Олой кўча бўлиб қолибди. Дарбонларнинг кўнглини олган одамларга тўсиқ ҳам кўтарилиб тушаверади-ю, бозор ичида юкли, юксиз, оғир, енгил машиналар ғужғон ўйнайди. Ишқилиб, айтинг-айтинг, бирор бахтсизлик рўй бермасин-да, бўлмаса бояги дарбонлар-у бозорнинг катталари ҳолига вой бўлиб, Юрий Марковичнинг бошига тушган ғавғо уларнинг ҳам атрофидан кетмай қолиши ҳеч гапмас.

Юрий Марковичнинг ўзи ким дейсизми? Ўзимизнинг «Ташгортрансэкспедиция» га қарашли транспорт агентлигида мастер бўлиб ишлайдиган Крейман бор-ку, ўша йигит-да. Ўзи ҳам жуда зукко, оёғи чаққон мастер эди. Дилавар Мамутовнинг дидига балли. Ким чаққону ким иш беришини одамнинг юзига қараб дарров билиб олади. Крейманни ҳам назоратчи-кассирликдан линия мастерлигига кўтарган шу Дилавар Мамутов бўлди. Буни қарангки, баъзан шунақа зукко одамлар ҳам орқа-олдини ўйламай, думи хуржунда иш қилиб қўйишар экан. Шу десангиз, Крейманнинг «Санъат саройи» ёнидаги бекатда тахта-панелдан ясалган битта будкаси бўларди. Прокопенко деган кишига «шу бекатнинг даромади катта, хоҳласангиз сизни шу ерга назоратчи-кассир қилиб тайинлайман, еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда бўлаверади», дебди. Прокопенкога ҳам бу гаплар сариқ мойдай ёқиб «раҳмат болам», деган экан, Крейман «Раҳматингиз ўзингизга сийлов, отахон, бу бекатнинг нархи минг сўм, нақд санаб беринг-у, кейин кассирлигингизни қилаверинг» дебди.

— Минг сўм? Давлатнинг ерини ҳам минг сўм дейсанми? Йўқ, ўғлим, менинг бунақа катта пулга қудратим етмайди, — А. Прокопенкони ҳуши бошидан учибди.

— Оббо, отахоней, сизнинг ғамингизни еб пул топа жойга қўйсаму яна норози бўласизми. Ҳозир минг сўм топиб бераверинг, бир йилнинг ичида уни икки ҳисса қилиб чиқариб олмасангиз, мастерлик ўрнимни сизга бўшатиб бераман. Қалай, розимисиз?

Юрий Крейман Прокопенкони қўлидан чиқариб юбормаслик учун обдон аврабди. Охири унинг бошини айлантириб ташлабди-да, айтганига кўндирибди.

— Энди бундоқ қиламиз, отахон. — Крейман яна бир шарт қўйибди, — сиз мендан бекат учун эмас, манави будка учун минг сўм берган бўласиз. Чунки бекат давлатники, будка эса меники, уни ўз қўлим билан ясаганман. Битта-яримта одам суриштириб қолса шундай деб айтасиз. Шунга келишдикми? Ҳа, баракалла, мана бу гап ҳақиқий назоратчи-кассирнинг гапи бўлди...

Кейин нима бўлди дейсизми? Нима бўларди, Крейманнинг иши терговга тушди. Ҳозир қилмишидан пушаймон бўлиб, пешонасига муштлаб ўтирибди. Кейинги пушаймон қачон фойда бергандики, энди беради.

Хуллас, ака, бизнинг ишимиз мана шунақа. Назоратчи-кассирликнинг ўзига яраша ташвиши ҳам, роҳати ҳам бўлади. Ишқилиб буёғи тинч бўлса бўлгани: туз-насибамизни шу ердан ҳам териб юраверамиз.

Лаббай? Бекат ҳақига манави ўн тийинни олинг дейсизми? Қўйинг, овора бўлманг. Сиздан ҳам ҳақ олсам уят бўлмайдими? Оббо, ҳеч қўймадингиз- қўймадингиз-а. Ҳа, майли, сизларники табаррук бўлади, олсам олақолай.. Хўп бўлмаса, акахон, яна келиб турадилар-а!

...Ҳе ҳимматингдан ўргилдим сени. Ҳамма қатори ўттиз-қирқ тийин берсанг, асаканг кетармиди. Шу журналист халқи ҳам ўлгудай қурумсоқ бўлади-да. Яна мен бу кишига бутун сиримизни ипга тизиб ўтирибман. Айтинг-айтинг, энди буни ноғора қилиб чалиб ўтирмасин. Бўлмаса, чархпалак бўлиб кетишимиз турган гап-а...

Рафиқ ТУРСУНОВ.

ҒЎЗАНИНГ АВЖ ОЛИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

ЖАСОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Пахтакорларимиз учун долзарб кунлар бошланди. Ғўза ўсишдан анча орқада қолмоқда. Уни етиштириб олиш учун қанчадан-қанча меҳнат қилмоқ даркор. Яқинда республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаати эълон қилинди. Унда биз пахтакорларнинг хизматига юксак баҳо берилди. Бундан беҳад руҳланган чўлқуварларимиз ғўза парваришини ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юбордилар.

Партия даъвати, халқ иродаси билан Қарши чўлларига инсоннинг муборак қадами етди. Уй-жойлар, маданий-маиший бинолар бунёд этилди. Асов Амударё суви жиловланиб, асрий чўлбиёбонларга келтирилди.

Ҳали-ҳали ёдимизда. 1976 йили совхозимиз баҳодирлари чўл шароитида кўп машаққатлар билан 2 минг тонна пахта етказиб берган эдилар. 1977 йилда 6205 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Ҳосилдорлик бир йилдаёқ гектар бошига ўн центнерга кўтарилди. 1978 йили янада юксак марра эгалланди. Она-Ватанга 7 минг тоннадан зиёд чўл дурдонаси етказиб бердик. Чўлқуварларимиз анча мураккаб келган об-ҳаво шароитларини матонат ва жасорат билан енгиб ўтиб, шундай улкан ғалабани қўлга киритган эдилар.

Чўлқуварлар деганимизда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» эпопеясидаги мана шу ҳаққоний сўзлар ёдимизга келади: «Чўлқувар — тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади».

Чиндан ҳам шундай! Чўлқувар деган номга муносиб бўлган коллективимизнинг ҳар бир аъзоси бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳар қачонгидан ҳам маҳорат ва жасорат кўрсатиб ишлаётир. Эрта баҳорда 3700 гектар майдонга барака уруғи қадаганмиз, она-Ватанга пландаги 7500 тонна ўрнига 10 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, деб қарор қилдик. Деҳқоннинг сўзи билан иши бир бўлади. Март ойининг ўрталарида экилган чигит ўн кун ўтар-ўтмас қийғос униб чиқа бошлади. Ана шундай қувончли дамларда устма-уст ёмғир ёғиб экинзорларимизни қатқалоқ босди. Совхозимиздаги ишга яроқли барча киши ёппасига далага чиқди, қатқалоққа қарши оммавий сафарбарлик эълон қилинди. 1 апрелгача ғўзаларимиз биринчи ишловдан чиқарилди. Орадан икки кун ўтгач, совхозимизда область пахтакорларининг ғўза парваришига бағишланган кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари хўжалигимиз пахтакорлари ва механизаторлари ишига муносиб баҳо беришди.

Деҳқон меҳрига қонган ғўзаларимиз май ойининг дастлабки ўн кунлигида ёппасига шоналай бошлади. 5 июнь куни эса дастлабки гуллар кўзга ташланди. Пахтакорларимизнинг ана шу палладаги қувончларини сўз билан ифода этиш қийин!

Ғўза қатор ораларига кенг, чуқур ишлов бериш, ўсимликни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан керагича озиқлантириш туфайли бунга эришилди. 80 дан зиёд чопиқ трактори икки сменада бетўхтов ишлатилди. Тўхтабой Эгамбердиев, Анор Сафаров, Ҳолиқул Файзиев, Норкомил Холмўминов, Муҳаммади Мерганбоев каби ўнлаб механизаторларимиз меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Шу кунларда 220 та сувчи ғўзаларимизни обиҳаётга қондирмоқда. Барат Абзалов, Қурбон Донаев, Нурилла Илёсов, Мирзайўлдош Бадалбоев, Ваҳоб Раззоқов, Абдулла Холбоев, Муродилла Файзиев, Жонузоқ Боймирзаев каби ўз касбининг усталари бўлган сувчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Азамат механизаторларимиз ва сувчиларимизнинг садоқатли меҳнатлари, омилкорликлари туфайли Азизбой Қўзиев, Мамат Холлиев, Қурбонмурод Сафаров ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимлардаги ғўзаларнинг ривожи, айниқса, яхши бўлмоқда.

Совхозимизда ингичка толали пахта етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Ҳозирда 1000 гектар майдондаги ана шундай ўсимлик яхши парвариш қилиняпти. Бу йил мамлакатга 3500 тонна ипак пахта етказиб бериш мажбуриятини қабул қилганмиз. Абдулла Холбоев, Қурбон Ҳаққиев, Зиёдулла Илёсов, Розия Қурбонова каби ипак пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтапарварлари гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон кўтаришга аҳд қилишган.

Хўжалигимиз меҳнат аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Советининг барча колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторларига, хўжаликларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатини кундалик ишларида асосий қўлланма деб билмоқдалар. Совхозимиздаги 300 га яқин коммунист ва комсомоллар бу муҳим ҳужжатни кенг меҳнаткашлар оммасига етказиш учун ғайрат кўрсатишяпти. Мурожаатда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини янада оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Донгдор механизаторлар, сувчилар ҳамда мутахассислардан иборат сифат комиссияси изчиллик билан иш олиб бораётир. Иш сифати ва суръатига қараб социалистик мусобақа ғолибларига ҳар ўн кунда кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар билан бир қаторда қимматбаҳо мукофотлар берилмоқда. Совхоз марказида ғолиб бўлим шарафига байроқ кўтарилмоқда.

Республика партия-ҳукуматининг Мурожаатида ғўзаларни моҳирлик билан парвариш қилиб, жадал авж олдиришга эришиш эндиликдаги энг муҳим вазифа эканлиги алоҳида айтиб ўтилган. Коллективимиз бу вазифани шараф билан адо этади. Шундай қилиб, биз 10 минг тонналик қўриқ «оқ олтин» хирмонини бунёд этамиз, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машиналар билан териб оламиз.

Қаҳрамон чўлқуварларимиз кўрсатаётган жасорат ғалаба марраси эгаллангунча давом этаверади.

Амирқул ТЎРАЕВ,
Қашқадарё область, Усмон Юсупов районидаги «Тошкент» совхози директори.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

29 июнь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга медицина ёрдамини таъминлаш тўғрисидаги қонунга риоя этиш масалалари кўриб чиқилди.

Депутатларнинг нутқларида қайд этиб ўтилганидек, Коммунистик партия билан Совет ҳукумати совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида жуда зўр ғамхўрлик қилмоқдалар. Социал-иқтисодий тадбирлар ва медицина тадбирларининг катта программаси амалга оширилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро болалар йили муносабати билан оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи даволаш-профилактика муассасалари ишининг кўриги бошланди. Врачларнинг катта отряди аёллар ва болалар сиҳат-саломатлиги посбонлигида турибди. Мамлакатда 23 мингдан кўпроқ хотин-қизлар консультациялари ва болалар поликлиникалари ишлаб турибди, даволаш-профилактика муассасалари замонавий диагностика ва даволаш аппаратлари билан таъминланмоқда.

Халқ депутатлари Советлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларини мунтазам суратда кўриб чиқмоқда.

Айни вақтда депутатлар қонунга риоя этишда ҳали мавжуд камчиликлар муносабати билан ташвиш билдирдилар, даволаш-профилактика муассасалари иши устидан контролликни кучайтириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар, уларнинг фаолиятини яхшилаш учун фойдаланилмаган имкониятларга эътиборни жалб қилдилар.

Палаталарнинг комиссиялари қабул қилган қарорда соғлиқни сақлаш органларига оналар ва болалар соғлиғини сақлашни янада яхшилаш борасидаги ишларни давом эттириш тавсия қилинди. СССР министрликлари ва идораларига совет қонуни талабларига қаттиқ риоя этилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш таклиф этилди.

Комиссияларнинг ишида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Б. Усмонхўжаев, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисда БХР Халқ мажлиси доимий комиссиялари раҳбар ходимларининг делегацияси ҳозир бўлди.

(ТАСС).

ЁЗУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

ЛУАНДА, 29 июнь. (ТАСС) Халқ Анголасининг пойтахтида «Осиё ва Африка халқларининг миллий тикланиши учун, империализм, мустамлакачилик, ирқчилик ва апартеидга қарши курашни кучайтириш учун» шиори остида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VI конференцияси ўтмоқда. Шу анжуманнинг дунёдаги 60 дан кўпроқ мамлакатдан келган 120 делегати ва меҳмонлари халқлар тарихидаги энг ёрқин босқичларни, уларнинг империализм кирдикорларига қарши, янги ҳаёт учун, давлатларнинг миллий суверенитетини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш учун олиб бораётган курашини ўз ижодларида қандай тасвирлаш кераклиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқдалар.

Вьетнам ёзувчилар союзи Марказий ижроия комитети доимий бюроси бош секретарининг ўринбосари Нгуен Нгок, Ангола, Мозамбик, Эфиопия, Мадагаскар адиблари ўз нутқларида империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, мустаҳкам тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашда иккала қитъа ёзувчиларининг актив ҳужумкор позицияда бўлишлари зарурлигини қайд этиб ўтдилар. Уларнинг ҳаммаси якдиллик билан шуни таъкидладиларки, ёзувчининг ҳозирги дунёдаги роли унинг асарларининг бадиий фазилатлари билангина эмас, уларнинг ғоявий йўналиши авторнинг тинчлик ва социал тараққиёт кучлари томонида ҳаққоний иш учун курашда бевосита иштироки билан ҳам белгиланади.

Конференция иштирокчиларини Совет делегациясининг бошлиғи ўзбек адиби Комил Яшин табриклади.

ПЛАНЕТАМИЗДА

2 ИЮЛЬ — ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУННИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ

ТУҒИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК, РЕСПУБЛИКА!

Шу кунларда Вьетнам революциясининг йўлбошчиси Хо Ши Мин мавзолейига келувчи кишиларнинг кети узилмайди. Мавзолей тарихий Бадинь майдонида қад кўтариб турибди. Вьетнам халқининг шу улуғ фарзанди 1945 йилда Жануби-Шарқий Осиёда ишчилар ва деҳқонларнинг биринчи давлати ташкил этилганини эълон қилган эди. Шу майдоннинг ўзида жойлашган Мажлислар саройида 1976 йил 2 июль куни халқ депутатлари — Шимолий Лангшондан Жанубдаги Камау бурунигача бўлган мамлакатнинг барча шаҳар ва вилоятларидан келган вакиллар Вьетнам Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эдилар.

Аммо шу шодиёна кун келгунча Вьетнам халқи шафқатсиз синовлар йўлидан ўтишга мажбур бўлди. Империалистлар ўз қўлларидан бой бериб қўйган ҳукмронликни қайта тиклаб олишга интилиб, суверен давлатнинг ички ишларига қўпол равишда аралашдилар. Мамлакат икки қисмга бўлиб ташланди. Жанубда янги мустамлакачиларга хизмат қилувчи қўғирчоқ режим ўрнатилди.

«Вьетнам бўлинмасдир!» Хо Ши Миннинг шу даъвати Ватанни бирлаштириш йўлида империалистик агрессияга қарши курашга отланган миллион-миллион вьетнамликлар учун шиор бўлиб қолди. Бу тарихий кураш 1975 йил баҳорида Вьетнам жанубининг тўла озод қилиниши билан тугади.

Кўп йиллик вайроналик уруши ва жанубдаги қўғирчоқ режимнинг ҳукмронлиги ва бу режим халқ ҳокимиятига миллион-миллион саводсизларни, мажруҳ иқтисодий структурани, кўпдан-кўп ижтимоий муаммоларни «мерос» қилиб қолдирганлиги сабабли жанубдаги вилоятлар озод қилингандан кейинги дастлабки кунлардан бошлабоқ Вьетнам халқи беҳисоб қийинчиликларни бартараф этишига тўғри келди.

Ҳозир вьетнамлик дўстлар мамлакатда шу қийинчиликларни тугатиш учун бир талай иш қилинганини мамнуният билан айтмоқдалар. Шу йилнинг бошларига келиб жанубда саноат ва савдо-сотиқни социалистик изга ўтказиш асосан тугалланди. Одамни-одам эксплуатация қилишига абадий чек қўйилди, социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Унда миллион-миллион ишчи ва деҳқонлар иштирок этмоқдалар.

Жанубий Вьетнам қишлоқларида жуда кўп ўзгаришлар рўй берган, миллион-миллион деҳқон оилалари бирлашиб, салкам 10 мингта қишлоқ хўжалик кооперативи ва ишлаб чиқариш бригадасини туздилар. Янги ирригация системалари ишга туширилиши туфайли юз минг гектарлаб қурғоқчил ерларга сув чиқарилди. Техника ва озиқ-овқат экинлари етиштиришга, чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослаштирилаётган ўн бешта давлат хўжалиги мамлакат жанубида қишлоқ хўжалигини социалистик негизда ўзгартириш учун база бўлди. Жанубий вилоятлардаги кўпчилик ишсизлар давлат корхоналарига ишга жойлаштирилди ёки қўриқ ерларда барпо этилаётган янги иқтисодий районларга ишга юборилди.

Жанубда атиги икки йил мобайнида аҳолининг саводсизлиги деярли бутунлай тугатилди, олий ва ўрта ўқув юртларида текин ўқитиш жорий этилди, халқ соғлиғини сақлашнинг кенг системаси вужудга келтирилди.

Бирлашган Социалистик Вьетнам халқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонди. У дунёдаги кўпгина давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаган. Ўтган йилда республика учун бир қанча муҳим воқеалар содир бўлди — ВСР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди, ўтган йилнинг ноябрида эса Кремлда Вьетнам партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстлик визити вақтида СССР билан ВСР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу ҳужжатнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасида қардошларча дўстлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлиб қолди.

Бироқ Социалистик Вьетнамнинг мустақил ихтиёрий йўли, унинг марксизм-ленинизм принципларига содиқлиги пекинлик экспансиячиларга хуш келмади, улар Вьетнамни ўзларига бўйсундириш режаларини азалдан тузиб келар эдилар, уни ўзларининг гегемончилик сиёсатига эргашишга мажбур қилмоқчи эдилар. Пекин ҳукмдорлари аввал бошда Пномпендаги ўз қўғирчоқлари қўли билан мамлакатнинг жануби-ғарбий чегараларида қонли қуролли можаро бошладилар. Сўнгра, бу авантюра барбод бўлгач, хитойлик агрессорлар ўзларининг империалист ҳомийлари мададига таяниб, ўзлари Вьетнамга бостириб кирдилар. Республиканинг шимолий чегараларига қилинган бу хиёнаткорона ҳужумни бутун тараққийпарвар инсоният қаҳр-ғазаб билан қоралади. Вьетнам халқининг содиқ дўстлари — Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа қардош мамлакатлар Вьетнам халқининг одилона курашини биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар.

Хитой қўшинлари Вьетнам қуролли кучлари ва чегара районларининг аҳолиси томонидан кескин зарбага дуч келиб, катта талафотлар бериб орқага қайтишга мажбур бўлдилар. ВСР миллат мажлисининг бешинчи сессиясида уқтириб ўтилганидек, Вьетнам халқининг Хитой агрессорлари устидан қозонган ғалабаси барча тинчлик, мустақиллик ва социал тараққиёт кучларининг халқаро реакция кучлари устидан қозонган ғалабаси бўлди.

Ҳозир Вьетнам халқи урушнинг оғир жароҳатларини даволамоқда, аммо юксак даражада сергак бўлиб турибди — у Пекин кўзлаётган ҳар қандай янги ҳарбий авантюрага зарба беришга тайёр. Айни вақтда у ўз кучларини социализмнинг моддий-техника базасини қуришни давом эттиришга сафарбар қилмоқда. Бунда унга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ёрдам бермоқдалар. Кейинги вақтларнинг ўзида Вьетнамда СССРнинг техникавий кўмаги билан 200 га яқин турли корхона ишга туширилди, яқин йиллар ичида яна 90 та завод ва фабрика фойдаланиш учун топширилади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экономика ва маданиятнинг турли соҳаларида Вьетнамга ёрдам бермоқдалар.

Совет кишилари Вьетнам Социалистик Республикасини туғилган куни билан табриклайдилар, унга социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

В. ХРЕКОВ.
(ТАСС мухбири).
ХАНОЙ.

ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Ханой яқинидаги Қизил дарё устида Вьетнамда энг йирик «Тханглонг» кўприги барпо этиляпти. Бу ердан йилига 20 миллион тонна турли юклар ташиб ўтилади. Совет Иттифоқи муҳим транспорт объекти қурилишида техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Суратда: кўприк қурилишида.

АДН—ТАСС фотоси.

ҚИРҚ БИРИНЧИ КИЛОМЕТРДАГИ «ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА»

УРАЛДАГИЛАР БИЛИШМАДИ ҲАМ

Ловуллаб ёна бошлаган олов қумликни ёритиб юборди, саҳро узра гуриллаган овоз эшитила бошлади. Бухоро—Урал газ қувурларининг учтасидан биттаси ёрилиб кетган эди. Баланд ҳароратли босим металлни заифлаштирди, газнинг босими қувурнинг 50 метрлик бўлагини траншеядан улоқтириб ташлади.

Тревога сигнали берилиши биланоқ «Газлинефтегаздобича» бирлашмасининг линия — эксплуатация бўлинмалари оёққа турди. Тажрибали мутахассислар, ишчилар зарур машина—анжомларни олиб дарҳол фалокат рўй берган жойга етиб келишди. Улар шикастланган қувур ўрнига янгисини пайвандлаб траншеяга туширишди. Улар шошмай, ҳар бир ишни ўйлаб қилдилар.

Шу вақтда шикастланган участканинг ҳар икки тарафи ёқилғи нобуд бўлмаслиги учун тўсиб қўйилди. Битта қувурнинг ишдан чиққанлиги ўрнини босиш учун магистралнинг бошқа қувурлари анча жадал режимда ишлай бошлади.

Бу фалокат ярим кечада содир бўлган эди. Тонг отиб, ҳаммаёқни қуёш қиздира бошлагач, ишлар батамом тугалланди. Офатни бартараф этишда қувур ётқизгич машинисти И. Ефремов, пайвандчи И. Мельников, участка бошлиғи А. Горячев, механик М. Милосердовлар ўрнак кўрсатишди, деб ёзади УзТАГ мухбири А. Фозилов.

Фалокат ўн соатда тугатилди. Кейин ҳисоблаб кўришса бунча ҳажмдаги ишга нормага мувофиқ 30 соат ажратилар экан.

Содир бўлган воқеани уралдагилар билганлари ҳам йўқ, чунки магистралга газ бериш тўхтовсиз давом эта берди.

ГАЗЛИ.
Бухоро области.

СССР Нарх давлат комитетида

СССР Нарх давлат комитети нарх-навони янада тартибга солиш ва айрим моллар савдосини нормаллаштириш мақсадида қарор қабул қилди, шу қарорга биноан 1979 йил 1 июлдан бошлаб қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмларининг (қуйма тиш учун дискаларнинг амалдаги нархи сақланиб қолади ва никоҳ узуклари учун белгиланган пул компенсацияси кўпайтирилади), табиий мўйна, мўйнадан ва қўй терисидан тикилган пўстин (болаларга аталган буюмлардан ташқари), гиламлар ва гилам буюмлари, мебель (айрим турлари), енгил автомобилларнинг чакана нархлари оширилди.

* * *

Айрим турдаги молларнинг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисидаги ахборот эълон қилиниши муносабати билан ТАСС мухбири СССР Нарх давлат комитетининг раиси **Н. Т. Глушков**га мурожаат қилиб, шу хабарни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Айрим молларнинг чакана нархлари шу йил 1 июлдан бошлаб қанча миқдорда оширилганини батафсилроқ гапириб берсангиз!

— СССР Нарх давлат комитетининг бугун эълон қилинаётган ахборотига биноан қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар, гиламлар, гилам маҳсулотлари, табиий мўйна ва мўйнадан тикилган маҳсулотларнинг чакана нархлари ўрта ҳисобда 50 процент, енгил автомобилларнинг чакана нархлари 18 процент, импорт гарнитура мебелнинг чакана нархлари 30 процент, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебелнинг чакана нархлари 10 процент оширилди.

Аммо қуйма тиш учун дискларнинг, болалар учун мўйна маҳсулотларининг, шунингдек қуён ва қўй терисидан тикилган буюмларнинг (пальтодан ташқари) ва болалар мебелининг чакана нархлари ўзгартирилмай қолди. Никоҳ типла узуклари қимматлашганлиги муносабати билан биринчи бор никоҳ тузаётган кишиларга никоҳни қайд этиш вақтида тўланадиган пул компенсацияси киши бошига 70 сўмга етказилади.

Ресторан ва кафеларда тунги вақтларда шу корхоналарнинг категорияларига қараб нархлар 25 процентдан 45 процентгача оширилди. Умумий овқатланиш корхоналари сотадиган пивонинг нархи ҳам ўрта ҳисобда 45 процент оширилди.

Корхоналар ва ташкилотлар, ўқув юртлари ҳузуридаги ошхоналарда, мактабларнинг буфетларида, вагон-ресторанларда, кемалардаги ресторанларда, закусхоналарда, сомсахоналарда, чучвархоналарда, «сутли таомлар», «мороженое», «ёшлар учун», «болалар учун» кафеларда нархлар аввалгисича қолдирилди. Чакана савдо тармоғида пивонинг амалдаги чакана нархлари ўзгартирилмайди.

Савдо органларига ресторанлар, кафелар, барлар ва бошқа умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўриш, хўрандаларга хизмат қилиш маданиятини ошириш топширилди.

— Нархлар оширилишининг сабаби нима!

—Маълумки, бизнинг мамлакатимизда халқ истеъмол қиладиган хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Шуни айтиш кифоя қиладики, холодильниклар, пилесослар магнитофонлар, соатлар, мебель, гиламлар, чинни-фаянс идишлар сингари узоқ вақт фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1970 йилга нисбатан 1,5—2,2 баравар кўпайди. Ҳамма турдаги газламалар, чарм пойафзал ва бошқа моллар ишлаб чиқариш анча ортди. Бундан ўн йил муқаддам аҳолига 100 мингтага яқин енгил автомобиль сотилар эди, бултур эса 1 миллион 170 мингта енгил автомобиль сотилди; 1969 йилда рангли тасвирдаги программаларни қабул қиладиган телевизорлардан 46 мингта сотилган бўлса, 1979 йилда 1 миллион 900 мингта сотилади.

Шу билан бирга айрим молларга бўлган талаб уларни ишлаб чиқариш имкониятларидан ошиб кетмоқда. Аслини айтганда, заргарлик маҳсулотлари ва мўйна буюмлари, шунингдек гиламлар, енгил автомобиллар ва импорт мебель савдосини тартибга солиш учун мажбурий, аммо зарур чора сифатида нарх белгилаш механизмидан фойдаланишга тўғри келганлигининг сабаби ана шундан иборат. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель нархининг бир оз оширилишига келганда, бу чора унинг ассортименти анча янгиланганлиги ва яхшиланганлиги билан, шунингдек ёғоч тайёрлаш чиқимлари анча кўпайганлиги билан боғлиқ.

Эълон қилинган рўйхатдан кўриниб турибдики, молларнинг жуда чекланган турлари чакана нархларигина ўзгартирилди ҳамда асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўзгартирилмади. Уларга белгиланган давлат чакана нархлари кўп йиллар мобайнида ўзгармай қолмоқда. Бу гап аҳолига бериладиган электр энергия ва газнинг нархларига, бошқа коммунал хизматлар ҳақига ҳам тўла-тўкис таааллуқлидир. Ўтган давр мобайнида уйларнинг шинамлиги анча яхшиланган бўлса ҳам, аммо квартира ҳақининг ставкалари эллик йилдан кўпроқ вақтдан бери бир маромда турибди.

Шуни мутлақо равшан қилиб таъкидлаш керакки, СССР Нарх давлат комитетининг бугун матбуотда эълон қилинган қарорида кўрсатилганидан ташқари бошқа бирон-бир молнинг чакана нархлари оширилмайди.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг июнь сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. Искандаровнинг «Омма билан алоқани мустаҳкамлайлик, активга таянайлик» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

Журнал 1978 йилнинг энг яхши журналистик асарлари учун ўтказилган конкурсда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон журналистлар союзи мукофотини олган лауреатларни ҳам шу сонда таништириб ўтади.

Тошкент ва Сирдарё областлари журналистларининг зонал ижодий семинари «Мусобақа кучини оширайлик» номли мақолада ўз аксини топган. Журналистлардан Б. Исхоқов, П. Ястребов, Е. Ким ўртоқларнинг «Ижодкор меҳнаткашлар ҳаётини мадҳ этайлик», «Тажриба зарралари», «Тема масъулият юклайди» сарлавҳали корреспонденцияларида газета-журнал редакцияларида орттирилган тажриба ва ташаббуслар ҳақида фикр юритилади.

«Район матбуоти» рубрикаси остидан ўрин олган обзор материалларда Шаҳрисабз, Ленин йўли районлари газеталарининг иши таҳлил қилинган. «Ишчи ва қишлоқ мухбирлари —таянчимиз» шапкаси остида берилган лавҳалар яқиндагина бўлиб ўтган ишчи ва қишлоқ мухбирлари республика съездининг қатнашчиларига бағишланган.

НИКАРАГУАДА НИМА ГАП?

ЖАНГ ҲАРАКАТИ МАЪЛУМОТИ

САН-ХОСЕ, 30 июнь. (ТАСС). Сандино номли миллий Озодлик фронти қўмондонлиги тарқатган жанг ҳаракатлари маълумотида айтилишича, ҳозирги вақтда мамлакатнинг 16 департаментидан 14 департаментидаги 49 шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари ватанпарварларнинг қўлида турибди. Булар орасида Леон, Масая, Дирьямба, Матагальпа, Эстели каби йирик шаҳарлар бор. Мамлакатнинг жанубий районларида жумладан Ривас департаментида шиддатли жанглар бормоқда. Диктатор қўзғолончиларнинг муваффақиятли ҳужумини тўхтатиб қолишга уриниб, Ривас департаментига қўшимча ҳарбий қисмлар ва техника жўнатди. Жаллодларнинг авиацияси «АҚШда ясалган» деган тамға қўйилган напалм ва ракеталарни ишга солиб тинч аҳолини ҳамон бомбардимон қилмоқда.

Ватанпарварлар диктатор қўшинлари билан уч ҳафта деярли тўхтовсиз давом этган жанглардан кейин пойтахтнинг ишчи кварталларидан Манагуадан 30 километр масофада жойлашган Масая шаҳрига уюшқоқлик билан чекиндилар. «Жаллодларнинг ҳужумларидан аҳоли азият чекканлиги учун, шунингдек отрядларимизни қайтадан группалаш мақсадида биз шундай қилдик» — деди журналистларга Миллий озодлик фронтининг вакили. Ватанпарварларнинг самолётлари пойтахтдаги «Лас Мерседес» аэропортига зарба урди. Сомоса кўп миқдорда аскар ва ҳарбий техникани шу ерга тўплаган эди. Манагуадаги «Бельо орисонте» ишчилар районига бомбалар ташлаган диктатор қуролли кучларининг самолёти зенит тўпи билан уриб туширилди.

Ватанпарварларнинг «Сандино радиоси» радиостанцияси Миллий озодлик фронти жангчиларига ва Никарагуа халқига мурожаатни эшиттирди. Радиостанция уларни манфур диктатуранинг ағдарилишига йўл қўймасликка Қўшма Штатлар уринаётган бир пайтда бирлиши мустаҳкамлашга ва хушёр бўлишга даъват этди. Халқ уруши дейилади мурожаатда «Озод ватан ёки ўлим!» шиори остида то ғалабагача давом эттирилаверади.

Аҳволи танг бўлиб қолган диктатор мадад беришни кучайтиришга Вашингтонни ундамоқ учун ўзининг америкалик ҳомийларига режимнинг барбод бўлаётган сиёсий муассасалари «яшашга қодир» эканлигини намойиш қилишга уринмоқда. Ана шу мақсадда у кеча Манагуада конгресс мажлисини чақирди. Бироқ унинг ўйлагани ҳеч қандай натижа бермади: «қонун чиқарувчи» 70 кишидан фақат 28 киши келгани учун мажлисни бекор қилишга тўғри келди.

Айни вақтда Қўшма Штатлар ҳозирги танглик қандай натижа билан тугашидан қатъи назар шу мамлакатда ўз ҳукмронлиги давом эттирилиши таъминланишига ҳаракат қилиб, Никарагуада мураккаб сиёсий найрангни давом эттирмоқда.

АҚШнинг Манагуага келган янги элчиси Л. Пеззуло Сомоса билан бир неча маҳфий учрашув ўтказди. Бу учрашувларда янги «ҳукумат» тузиш асосида вазиятни «бартараф этиш»нинг америкача маҳфий лойиҳаси муҳокама этилган. Бунда диктаторнинг ўзини Вашингтоннинг бошқа одами билан алмаштириш эҳтимоли ҳам бор. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, Сомоса истеъфога чиқишга орзи бўлган, лекин фақат ана шу «ҳукуматда» олигархия вакиллари билан миллий гвардиянинг етакчилик роли сақлаб қолинишини шарт қилиб қўйган. Аммо диктаторнинг ўзи: «мен ҳар қандай шароитда ҳам ҳокимият тепасида қоламан, мабодо менинг истеъфо беришимни конгресс талаб қилиб қолса, мен уни тарқатиб юбораман», — деб бу хабарни рад этган.

ПАРИЖ, 30 июнь. (ТАСС). «Орор» газетаси ёзади: ҳозирги вақтда Вашингтон Никарагуани ҳозирги танглик бартараф этилгандан кейин иқтисодий воситалар ёрдамида «Ғарбнинг доирасида» сақлаб қолмоқ учун «маршал плани» қабилидаги планни тайёрламоқда.

ХАНОЙ, 30 июнь. (ТАСС). Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумати Никарагуа Миллий тикланиш муваққат ҳукуматини танишга қарор берди ва дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СПАРТАКИАДАГА ШАЙЛАНИШ

Республикамиз енгил атлетикачилари йил бошидан буён ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Ҳар бир баҳсни СССР халқлари Спартакиадасига тайёргарлик босқичи тарзида ўтказган ёшлар маҳоратларини тобига етказишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай мусобақалардан бири куни кеча ниҳоясига етди. «Пахтакор» марказий стадионида СССР кубоги учун Бутуниттифоқ зонал баҳслари ўтказилди. Совриндорлик учун республикамизнинг таниқли енгил атлетикачиларидан бўлак барча спортчилар майдонга тушдилар. Спартакиадага бориш учун номзод ҳисобланган ёшлар республика терма командаси составидан ўрин олиш учун астойдил ҳаракат қилишди.

Яна уч ҳафтадан кейин байроғи кўтариладиган йирик спорт анжуманига тайёргарликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган мазкур мусобақада юқори натижалар қайд қилинди. Мусобақанинг биринчи куни ядро ирғитишда чирчиқлик Г. Скориков билан Л. Рюминалар маҳорат кўрсатдилар. Скориков 18 метру 62 сантиметрлик маррани эгаллаган бўлса, Рюмина 16 метру 96 сантиметрга ядро ирғитиш билан эътибор қозонди. Узунликка сакраш майдончасида кураш қизғин тус олди. В. Баженова билан мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV Спартакиадаси совриндори С. Ребковецлар ажойиб натижага эришдилар. Баженова 6 метру 14 сантиметрлик маррани эгаллаган бўлса, Ребковец ундан бор-йўғи 14 сантиметрга ортда қолди.

Уч ҳатлаб сакровчиларнинг баҳслари ҳар вақт қизиқарли ўтади. Бу сафар чирчиқлик В. Исаев билан тошкентликлар В. Черников ҳамда Б. Хохловлар ўртасида ғолиблик учун кураш давом этди. Сакрашнинг бундай усулини Борис Хохлов ўрнига қўйди. У тўрт маротаба 16 метрлик натижа кўрсатди. Кейин яна бир зўр бериб ўз натижасини 41 сантиметрга оширди. Унинг бу ютуғи Спартакиада баҳсларида республикамиз терма командасига қимматли очколар келтиришидан далолатдир.

Тўсиқлар оша югуришда 110 метрлик масофага 14 секунд вақт сарфлаган тошкентлик А. Берштейн ғалабага эришди. Қисқа масофага югуришда маҳорат оширaётган А. Мифтахова билан О. Ухановалар ҳам мутахассисларни мамнун этишди. Совриндорлик баҳсининг иккинчи куни тошкентлик С. Сеченова 182 сантиметрлик баландга сакраб шахсий рекорд ўрнатди. Андижонлик В. Рубан билан тошкентлик С. Аникинлар бир хил натижа (7 метру 49 сантиметр) кўрсатдилар. Найза улоқтиришда тошкентлик Т. Берулина (57 метру 08 сантиметр) ва С. Коржаков (75 метр 46 сантиметр)ларнинг натижалари юқори баҳоланди. Мусобақада шунингдек, 200 метрга югурган А. Харлов, 800 метрлик масофада баҳслашган А. Десятковалар ҳам Спартакиадага пухта шай эканликларини намойиш этдилар. Мусобақа ниҳоясида СССР кубоги учун курашнинг ярим финал баҳсларида иштирок этиш учун Тошкент шаҳар, Тошкент области, Фарғона ва андижонлик енгил атлетикачиларга йўлланма берилди. Шу билан бирга СССР халқлари Спартакиадасига борувчи Ўзбекистон енгил атлетикачилари терма командаси аъзоларининг состави ҳам аниқланди.

С. ДАНИЛОВ.

Суратларда: (чапдан) қисқа масофага югуришда ғолиблик қилган В. Казанов (олдинда), ҳамда ядро иргитиш бўйича юқори натижа кўрсатган Р. Рюминалар.

Л. Гусейнов фотолари.

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

ЧИЛОНЖИЙДА

Азизжон негадир мактабдан қайтишда кечикди. Шарофат опа хавотирга тушди. Кейин мактабга телефон қоқди. У ердан «Кетганига бир соатча бўлди», деган жавоб олди. Кўчага чиқиб узоқ кутди. Дараги бўлмади. Юраги ҳаприқиб, не-не хаёлларга бормади. Энди қидириб чиқмоқчи бўлиб тургaнди, ишдан қайтган Ғиёс ака хотинини тўхтатди.

— Шошма, ойиси. Бирон ўртоғиникига кетгандир, кутайлик-чи.

Шарофат опа тинчланмади. Тобора ваҳимаси ошди:

— Тағин катта кўчада тентираб, машина-пашина тагида қолган, ёки чўмиламан деб сув-пувга тушиб кетган бўлсачи?!

— Вой-бў, кўп ҳаяжонга тушмасанг-чи. Бош оғриғинг зўрайиб кетади, ахир!

Шарофат опа зардасини сочди:

— Мунча болага бепарвосиз-е, адаси! Ундан кўра у ёқ-бу ёққа қўнғироқ қилинг. Бeгамлик қилмай, милицияга хабар беринг!..

— Тутақаверма қуруқ ўтиндай гуриллаб! Боланг эс-ҳушини егани йўқ, ҳализамон келиб қолар...

Барибир, Шарофат опа ҳовридан тушмади. Шошапиша йўлга чиқди. Шундоқ катта кўчага етиб борсаки, муюлишда Азизжон болалар билан терлаб-пишиб хоккей ўйнаяпти.

Шарофат опа ҳам суюнган, ҳам аччиқланган кўйи бориб боласига тарсаки солди.

— Одамни шунча хавотирлантириб, бу ерда ўйин билан оворамидинг, баттол! Вақтида уйга бориб, кейин чиқсанг бўлмасмиди.

Азизжон юзини силаганча, йўлка четидаги папкасини кўтарди-да, ойисининг олдига тушди. У ўқишдан чиққач, бир ўртоғиникига борганини гапирай деса ойиси қулоқ солмай, фиғони чиқиб жаврарди. Уй тарафдан Ғиёс ака яқинлашиб келаркан, Шарофат опа унга:

— Бу дайдингизни тийиб қўймасангиз бўлмайди. Уззукун кўчадан бери келмайди. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, дегани шу экан-да, — деди.

— Шунақаям бўладими, ўғлим! — деди Ғиёс ака Азизжон олдига етиб келгач. — Қаерларда юрувдинг-а?

— М-мен, — деб дудуқланганча Азиз негадир папкасини титкилай бошлади. Папкасидан бир қоғоз халтачани олиб, узатди. Ғиёс ака халтачанинг оғзини очиб қаради-да, ўғлига маъноли боқиб, халтачани хотинига тутқазди. Халтача ичидаги қип-қизил чилонжийдага кўз ташларкан, Шарофат опа ҳам ажабланиб қолди.

— Муни қаердан олдинг?

— А-анави Комил ўртоғимми ойиси бердила, сизга, деб.

— Қаёқдан билибди, менга кераклигини?

— Ўзлари «ойинг тузукми?» деб сўрадилар. «Бош оғриқлари бор, қон босимлари кўтарилган», девдим, «Унақа бўлса буни қайнатиб ичсин», дедила.

— Ана, ойиси, бола сизнинг ғамингизни еб юрибдику, тағин «боланг кўнгли далада» дейсиз! — деб қўйди фахрланиб Ғиёс ака.

Жаҳлдан тушган Шарофат опа меҳр тўла кўзларини ўғилчасига тикканча жилмайиб турарди...

МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУСТАҚИЛ БЎЛДИМ

Ойим менга ҳеч иш қилдиргиси келмайди. Мени авайлагани-авайлаган. Ёшим ўн иккига борди-ю, ҳалигача кийимимни кийгизиб, сочимни тараб қўяди. Иложи бўлса юзимгача ювиб қўйса. Бир ишни буюрса, кетимдан ўзи югуради, бузиб қўясан, деб ишонмайди. Ойим шошиб қолганда идишларни ювишай десам, синдирасан, деб ювдирмайди, аччик-чучук тайёрлашга киришсам қўлингни кесасан, деб пичоқни тортиб олади. Тағин баъзи-баъзида: «Палон ўртоғингчи, Севар, уй ишларини мустақил бажарадиган бўпти, бинойидай ойисига дастёр дегин», деб ҳаваcланади. Менга алам қилади. «Тенгдошим мустақил бўлганда, мен нима учун мустақил бўлолмас эканман!» дейман ичимда.

Бир куни ҳеч ким йўғида ҳамма ишни ўзим қилиб, ойимни қойил қолдирмоқчи бўлдим. Газ ўчоқни ёқдим. Бир кўзига чойгумда сув қўйдим. Бир кўзига қозон осиб, картошка қовурмоқчи бўлдим. Қозонга керакли нарсаларни солдим-да, шошапиша айвонда кўйлагимни дазмол қилишга киришдим. Бу вақт телевизорда «Сенимми, шошмай тур!» бошланиб қолди-ю, бирдан хаёлим ўшанга оғди. Бир пайт бурнимга куюнди ҳиди кирди. Айвонга қарасам, дазмол тагида кўйлагим куляпти. Шартта дазмолни ўчириб, куйган шойи кўйлагимга ачиниб турувдим, ошхонадан «виш-виш» овоз келди. Чопиб борсам, чойгум эриб кетганди.

Жон-поним чиқиб кетди. Йиғлаб юборганимни ўзим билмай қолдим. Шунинг устига эшикдан ойим кириб келди-ю нақ ўтакаси ёрилди.

— Нима гап ўзи, Севар?

Мен қўрққанимдан баттар додлайман. Ойим бўлган ишни кўргандан кейин:

— Дод солма, қизим. Бўлар иш бўлибди. Ишкилиб уйга ўт тушиб кетмабди, шунисига шукур, — деб тинчлантирган бўлди.

Мен айбдорларча бошимни эгиб:

— Кечиринг мени, ойижон! — десам, ойим:

— Айб сенда эмас, қизим, менинг ўзимда! — деди.

Мен, бу нима дегани, деб ҳайрон бўлиб қолдим.

ПАЛЬТОЧА

Қаҳратон қиш. Совуқ «ютаман» дейди. Туфласанг туфугинг яхлайди. Ойнадай музлаган асфальт кўча. Унинг четида бир кампир дийдираганча туриб, ўтган машиналарга қўл кўтарарди. Узоқдан бўш машина кўринганди, кампир сирғана-сирғана унинг қаршисига чиқди. «Волга» ғийқиллаганча сийпаниб тўхтади. Ҳайдовчи бармоқ ўқталиб алланима деди бўғилганча. Кампир эса жон ҳолатда машинага ёпишди, ялиниб-ёлборгач, басавлат кийинган ҳайдовчи иложсиз эшикни очди.

— Қаерга борасиз, холам ойи?

Шартта машинага ўтириб олган кампир, узоққа имо қилди

— Вақтим зиқ, холам ойи. Тушадиган жойингизни айтинг.

— Эсгинам қурсин, — деб кампир пешонасига урди. У бундан бир соатча бурун аллақайси автобус бекатида сумкасини унутиб қолдирган экан, шуни йиғламоқдан бери бўлиб гапирди.

— Сумкада нималар бориди, холам ойи?

— Янги пальточа, яна бошқа майда-чуйдалар...

— Э-э, қолдирган жойингизда турармиди. Бош-кўзингиздан садақа энди. Сумкангизда тилла йўқ экан-ку, ишқилиб!

Кампирнинг гумони ошиб, юраги ачишди:

— Бугун неварагинамни туғилган куни. Пальточани мактабига кийиб бормоқчийди.

— Ўша бекатда одам кўпмиди, холам ойим?

— У ёнимда бир киши, бу ёнимда елкасига папка осган қизалоқ ўтирувди шекилли.

— Кўрсангиз танийсизми ўша бекатни?

Кампир индамай ҳар тарафга алангларди. Ҳайдовчининг тоқати тоқ бўлди.

— Ортиқ олиб юролмайман кўчама-кўча, холам ойи! Вокзалга чиқиб кетяпман, меҳмон кутгани.

— Тағин озроқ юр, жон болам, манави кўчага, — дея туриб кампир бирдан қичқириқ солди, — ана, ана шу!

У чўнтагидан пул чиқарди-да ҳайдовчининг ёнига ташлади. Ҳайдовчи буни билмаганга олиб, кампирни машинадан туширди.

Кўк соябон остидаги скамейкада ўн ёшлар чамаси қизча елкасида папка, тиззасида жигарранг сумкани қучоқлаганча дийдираб ўтирарди. Кампир инкиллаб-синқиллаб борди-ю қизчани бағрига босди. Кўкариб кетган бетларини силаб-сийпаб:

— Вой умрингдан барака топкур, вой тасаддуғинг кетай болажоним-е, яхшиям сен боракансан-а! — дея дуо қила кетди.

— Ҳали автобусга чиқаётганингизда кетингиздан сумкани оборувдим, қарамасдан кетиб қолдингиз, — деди қизча.

— Эсгичам қурсин, — деб кампир духоба пальтоси чўнтагидан бир сўм чиқариб қизчага узатганди, қизча худди хунук нарсага кўзи тушгандай ижирганди. Пулни олмасдан кампирнинг бетига «нима учун?» дегандай кинояли қараб қўйди-да, йўлкадан пилдираб жўнади. Кампир унинг кетидан:

— Мунчаям орли, тортинчоқ бўлмасанг, ҳой қиз, отингни ҳам айтмадинг-а! — деб анграйганча қолди.

Ҳаким НАЗИР.

ХАЛОСКОРИМНИ ИЗЛАЙМАН

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Мен саккиз йил генерал Н. П. Симоняк қўмондонлигидаги 63-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 270- (190) гвардиячи полкида, Ленинградда хизмат қилганман. Қизил Гангутдан 1942 йил сентябрь ойида қайтганимдан сўнг Нева дарёсининг чап қирғоғидаги ягона плацдарм «Ивановский пятачок»га келиб тушдим. Бу ерда оғир ярадор бўлдим. Шу ердан менинг алоқачи ўзбек солдати Аҳад исмли йигит олиб чиққан эди. Унинг фамилиясини унутиб қўйганман. Ана шу мард солдатни кўп эслайман. У ўз ҳаётини хавф остида қолдириб мени Тосно дарёсидан кечиб олиб ўтган ва медсанбатга жойлаган эди. Бу ерда даволанганимдан сўнг ўз қадрдон полкимга қайтдим. Арбузово, Синявино каби шаҳарларни озод қилишда қатнашдим. Виборг йўналишида, Нарва учун, Эстонияни озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этдим. Лекин ўз халоскоримни учрата олмадим. У эҳтимол урушдан эсон-омон ўз серқуёш ўлкаси — Ўзбекистонга қайтгандир. Эҳтимол у ҳозир кексалик гаштини сураётгандир.

Ҳалоскорим Аҳад қаердасан, сенинг тақдиринг ҳамон мени қизиқтиради. Жавоб бер, жангчи дўстим!

Қаюм Ҳолиқович ЯГУДИН, Бошқирдистон АССР, Кучарчин райони, Мраково қишлоғи, Ленин кўчаси 16—5.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

2 ИЮЛЬ — 8 ИЮЛЬ

2 ИЮЛЬ

ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 10.00 — Вақт. 10.40 — Гимнастика. 11.05 — Ҳайвонот оламида. 12.05 — Эртанги кун жадвали. Бадиий фильм. 13.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 16.40 — Онамларнинг мактаби. 17.10 — Дўстлик фестивали. 17.40 — Ўқувчилар ижросида қувноқ шеърлар ва ҳикоялар. 18.10 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 18.35 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 19.05 — Кутлуғ қадам. 21.30 — Вақт. 22.05 — Мусиқали программа. 22.35 — Телестадион. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Қувноқ пионер ёзи. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Лавҳалар. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ишга туширилaдиган объектлар ўз муддатида. 22.30 — Телевизион театр.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм 6-серия. 20.00 — Янгиликлар. 21.20 — Ҳужжатли фильмлар.

3 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 10.05 — В. Черних. «Кутлуг қадам». 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Минсқ немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 35 йиллигига. 15.50— Халқ оҳанглари. 16.00 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.40 — Звёздочёт. 17.25 — Ҳабиб илонлар ҳокими. Бадиий фильм. 18.30 — Мураббий. 19.00 — Қувноқ ноталар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.10 — Концерт. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 17-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Катта ёшдагилар учун контроль иш. 7-кўрсатув. 22.40 — Қадимий рус романслари. 23.15 — Ҳужжатли фильмлар. 23.45 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Абитуриентлар учун. Химия. 12.00— Телевизион театр. 18.15 — Камалак. 18.45 — Садо. Бадиий фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Рус тили. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ў. Нуралиев куйлайди. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов берайлик. 22.20 — Телевизион театр.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Сузавер, бригантина. Фильм-концерт. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм 7-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама.

4 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 10.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.05 — С. Рахманинов ва Д. Шостаковичнинг скрипка асарларини РСФСР халқ артисти В. Третьяков ижро этади. 11.15 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея 17-фильм. 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Жек Лондон. 16.55 — Ёшлар адреслари. 17.30 — Концерт. 18.00 — Горнчилар, қаердасиз! 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Врач суҳбатлари. 20.00 — Концерт. 20.15 — Катта ҳаёт. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Концерт. 23.00 — Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. Финляндия — СССР терма командалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Болалар учун телевизион театр. 12.40 — Абитуриентлар учун. Иншони қандай ёзиш керак? 13.10 — Боланикнинг сўнгги ёзи. Бадиий фильм 1-серия. 13.20 — Телефильм. 18.30 — Нурафшон давра. 19.00 — Чолғу куйларидан концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Верди музикаси. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Белялов концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Телевизион театр.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм 8-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Тошкент телепрограммаси. 20.50 — Ильинский Зошченко ҳақида. Бадиий ўқиш.

5 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 10.05 — Биз сен билан, қадрдон қишлоқ! 10.25 — Катта ҳаёт. Бадиий фильм. 11.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 —Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Композитор И. И. Дзержинский. 16.55 — Рус тили. 17.25 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 18.35 — Дарахтлар нималар ҳақида сукут сақлайди. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ ижоди. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Балет ҳақида. 23.25 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Замин ва одамлар. 12.05 — Шеърият мухлисларига. 12.20 — Боланикнинг сўнгги ёзи. Бадиий фильм 2-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Қуёшли ўлка маршрутлари. 19.30— Ахборот. 19.45 — Телевизион театр. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Ўғирланган. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Телефильм. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм. 9-серия. 20.00 — Янгиликлар. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

6 ИЮЛЬ

ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.40 — Она ва ўгай она. Бадиий фильм. 12.00 — Асл йигитлар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.25 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.55 — Фильм-концерт. 17.20 — Шахмат мактаби. 17.50 — Ўсмирлар ижоди. 18.15 — Уфқ. 19.00 — Боларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Бизнинг обзор. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 20.15 — Концерт. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея 18-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.35 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — До-ре-ми-фа-соль. 12.00 — Боланикнинг сўнгги ёзи. Бадиий фильм 3-серия. 13.05 — Светофор. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.30 — Здоровье. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш. 22.20 — Телевизион театр.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм 10-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Тошкент телепрограммаси.

7 ИЮЛЬ

ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.30 — Т. Хренников. 3-симфония. 10.50 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея 18-фильм. 11.40 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.10 — Тонгги почта. 12.40 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.10 — Москвичка. 14.15 — Здоровье. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Камалак. 15.50 — Адабий суҳбатлар. 16.35 — Спортлото. 16.50 — Бугун — Халқаро кооперация куни. 17.20 — Музикали программа. 17.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.45 — Бадиий гимнастиқа бўйича жаҳон чемпионати. 19.30 — Ҳориган отларни ўлдиришади, шундай эмасми! Бадиий фильм. 1-2-сериялар. 21.30 — Вақт. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — ЦСКА. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.55 — Ўзбекистон спорти. 11.30 — Янгийўл хотин-қизлар педагогика билим юрти бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Таня ва икки мушкетёр. Бадиий фильм. 13.40 — Абитуриент-79. 14.20 — Чарм тўп клубининг соврини учун футбол бўйича республика мусобақалари. 15. 05 — Х. Г. Пўлатов. «Чорла, мени ўрмондан», спектакль. 18.20 — Болалар учун концерт. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Бугун — Халқаро кооперация куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгра, дутор. Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Андижон музикали драма ва комедия театрининг солисти Н. Ҳамроқулов куйлайди. 21.30 — Вақт. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Эртага — премьера.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 17.45 Душанба кўрсатувлар.

8 ИЮЛЬ

ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 —Будильник. 10.30—Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Музикали киоск. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Театр спектакли. 16.45 — Бугун — Балиқчилар куни. 17.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.15 — Рига духовой оркестри чаладп. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — Музикали программа. 20.15 — Сатира ва юмор альманахи. 21.30 — Вақт. 22.05 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. 23.05 — Концерт. 23.30 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — И. Акбаров, Ж. Жабборов, А. Раҳимов. «Йиллар ўтиб», спектакль. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Автомобилдан сақланинг. Бадиий фильм. 14.30 — Шахмат мактаби. 15.00 — «Рамазон» Бадиий фильм. 16.00 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Бугун — Балиқчилар куни. 19.15 — Нептун фабрикаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30— Ахборот. 20.50. — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Ҳамдамов куйлайди. 21.30 — Вақт. 22.05 — Биз —Сирдарёданмиз.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9 00 — Вақт. 9.40 — Зарядкага сафланинг! 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Мультфильм. 12.30 — Музикали киоск. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Театр спектакли. 16.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.05 — Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни. 17.35—Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.10 — Буюк китоб боблари. 20.10 — Кузги воқеа. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Музикальная жизнь. 23.05 — Ҳужжатли фильмлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 10.10 — 8+1 эстрада программаси. 11.05 — Кинопублицист экрани. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Уддабурон Берендеев Бадиий фильм. 14.05 — Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига. Океан. 14.35 — Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади. 18.20 — Мультфильм. 19.00 — Уйлаб топ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — В. Розов Ноёб одам, телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гул фаслидир. Ф. Баратова ва И. Маликов иштирокида концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. 22.25 — Авлодлар. Бадиий фильм. 2-серия.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

1 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги мусиқали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 10.45 — Най наволари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Денгиз ва дарё флоти ходимлари учун концерт. 14.00 — Июль — ҳосил тўплаш ойи. 15.40 — Театр микрофон олдида. А. Островский. Момоқалдироқ. Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг монтажи. 17.45 — Енгил куйлар. 18.15 — Ёшлик. 19.30 — Спорт эшиттириши. 20.25 — Қувноқ концерт. 21.00 — Табассум. 22.28—Денгиз ва дарё флоти ходимлари учун концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

2 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Яхши кайфият. 9.45 — Совет турмуш тарзи. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.00 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Келес массивининг олтин маржлари. 13.30 — Чолғу куйлари. 14.00 — Илгор маккажўхорикорлар ҳузурида. 18.15— Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.50 — Ёшлик. 20.25 — Тинчлик ва бахт ҳақида қўшиқлар. 21.00 — Фан ва ишлаб чиқариш. 22.28 — Нодира ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/VII да **Парвона** (12.00), **Олтин девор** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VII да **Тўйдан олдин томоша.**

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

4, 5, 6, июль соат 19.00 да ОЗАРБАЙЖОНДА УТКАЗИЛГАН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

Билетлар сотилмоқда.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» трести

ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшга тўлган йигитларни, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларни ва бошқа вақтинча ишламаётган гражданларни лифтлар монтажчиси насбига ўргатиш учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ярим ой. ПРАКТИКА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТИЛАДИ ВА 1 ЯРИМ ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ. МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш жойига бориш ва келиш корхона ҳисобидан бўлади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри 97, Чилонзор массиви 6-квартал Телефонлар. 78-30-79, 78-30-68.

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

(М. Горький проспекти, 82-уй) 2—7 ИЮЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 14.00 дан 16.00 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР ҲАФТАЛИГИНИ ЎТКАЗАДИ

Ҳафталикда топограф, геодезист, фотограмметрист, картограф ихтисослари билан танишиш мумкин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда тарих факультети коллективи «Қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи» кафедрасининг мудири, партия бюросининг секретари, доцент А. Набиевга акаси

Абдуфаттоҳ НАБИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, инженер-физика факультети ҳамда «Физика электроника» кафедраси коллективлари шу кафедра мудири, доцент Н. Я. Тўраевга отаси

Йўлдош ТУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиш — 32-57-20, 32-54-26, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07308. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 149.